Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 79 (7. 168) ◎ 1990 йил 7 апрель, шанба ◎ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ «Иттифоқдош республикаларнинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни ҳамда мазкур Қонунни кучга киритиш ҳақида СССР Олий Советининг қарори эълон қилинган.

⊙ КПСС Марказий Комитети «Правда» газетаси тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг баёни билан бугун тонгги газеталарда танишишингиз мумкин.

⊙ СССР Президенти М. С. Горбачевнинг АҚШга ташрифи шу йил 30 майдан 3 июнгача давом этиши ҳақида аҳдномага эришилганига доир, СССР Президентининг таклифига мувофиқ Польша Республикасининг Президенти В. Ярузельский 1990 йил 11—14 апрель кунлари расмий ташриф билан Совет Иттифоқида бўлишига доир расмий хабарлар берилган.

⊙ Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг редакцияларга йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар берилган.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

21 АПРЕЛЬ—КАСАБА УЮШМАСИ ШАНБАЛИГИ

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг», «Ташсельмаш» бирлашмалари, абразив комбинати касаба уюшмаси комитетлари шу йил 21 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллиги шарафига касаба уюшмалари шанбалигини ташкил этиш, ишлаб топилган маблағларни касаба уюшмаси ташкилотларининг ҳисоб счётига ўтказиш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг Бош бошқармалари, бошқармалари, бўлим ва трестларига, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига ташаббуснинг кенг қўллаб-қувватланиши ва ёйилиши юзасидан зарур ташкилий ишларни амалга оширишни, шанбаликка олдиндан тайёргарлик кўрилишини таъминлашни, барча ходимларнинг тўлиқ иш сменаси мобайнида юксак унум билан ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратишни, транспортнинг, ошхоналар, мактабгача болалар муассасаларининг аниқ ва бенуқсон ишлашини таъминлашни тавсия қилди. Шунингдек, шанбалик куни ишлаб топилган маблағлардан хайрия мақсадларида, ижтимоий соҳа объектларини ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш тавсия этилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳузурида касаба уюшмалари шанбалигининг шаҳар штаби тузилди. Штабга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари О. Х. Асқаров раҳбарлик қилмоқда.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури лойиҳасини заводимиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари катта қизиқиш билан ўқиб-ўрганмоқдалар ва унинг тарихий аҳамиятига юксак баҳо беришмоқда. Тан олиш керак: кейинги йилларда партия сафларини мустаҳкамлаш ва коммунистларнинг маънавий қадриятларини ошириш борасида муҳим ишлар қилинди. КПСС сафига қабул қилишда янгича услуб ва ёндошишлар қарор топди. Ўз ҳаёти ва тақдирини Коммунистик партия билан боғлаган ишчилар, хизматчилар, қўйингки барча соҳа ходимлари ҳозир коммунистларнинг ролини ошириш ва уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини мустаҳкамлаш билан боғлиқ энг муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Шу жиҳатдан олганда ҳам қайта қуришнинг бизга нима берганлигини ва бераётганлигини тушуниб олиш мураккаб эмас. Тўғри, коммунистларнинг фаолиятига баъзи бир ҳақли эътирозлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, кейинги вақтда, «Қайта қуришнинг ташаббускори Коммунистик партиянинг ўзи бўлди, аммо ҳали партияда қайта қуриш бўлгани йўқ», деган гаплар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Аслида бундай эмас. Биз илгаб-илғолмай қолаётган туб ўзгариш ҳаётимизга тобора кенг сингиб бормоқда. Қуйи партия ташкилотларининг роли ортиб бораётганлигининг ўзиёқ буни исботлаб турибди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: яқин йилларгача партия сафига қабул қилишда қарор топган усулдан воз кечилганлигининг ўзиёқ КПССдаги қайта қуришнинг қандай бораётганлигини кўрсатиб турибди. У шундай усул эдики, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилганди. Район партия комитетида ажратиб ёки тақсимланиб берилаётган лимитлар асосида иш кўриларди. Шу юксак номга муносиб кишилар, айниқса зиёлилар, олий маълумотли мутахассисларнинг аризалари ўн йиллаб инобатга олинмай, қоғоз тахламлари орасида сарғайиб ётарди.

Эндиликда эса аксинча: шу юксак номга муносиб номзодларнинг масаласи бевосита меҳнат коллективларидаги партия ташкилотларининг ўзида ҳал этилмоқда. Синовдан ўтганларга кандидатлик билети партия ташкилоти томонидан тарқатиляпти. Демоқчиманки, даврга қараб ҳамма нарса ўзгариб бораяпти. Илгарилаб бораётган ҳаёт оқими биздан яна ҳам яхшироқ ишлашни, янада талабчан бўлишимизни тақозо этмоқда. Аммо қарс икки қўлдан чиқади деган ажойиб ҳикматни ҳам унутиб қўймаслик зарур. Олдимизда турган муҳим ишлар, муаммолар кўп. Уларни ҳал этишга ҳозирданоқ киришишимиз, кунларни эмас, ҳаттоки дақиқаларни ҳам бой бермаслигимиз лозим. Негаки, дастурда белгилаб берилган аксарият вазифалар фақатгина бугун ўртага ташланаётгани йўқ. Уларни ҳал этиш тўғрисида, қайта қуришни жадаллаштириш борасида беш йилдан буён қайгуряпмиз. Куч-ғайратларимизни ана шу умум ишга сафарбар этяпмиз. Бир иқтисодий механизмнинг бузилган занжирларини бирбирига улаш ўшандайлигича қолмоқда. Амалий иш ўрнини ортиқча гап-сўзлар, ваъдалар эгалламоқда. Энди бошқача йўл йўқ. Инсонпарвар демократик социализм сари дадилроқ, ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилайлик. Шу мақсад учун куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик. Ўртадаги адоват, миллатлараро муносабатлардаги чигалликларга ўрин қолмасин. Дастурда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, «Биз шундай маррага етиб келдикки, энди аввалги хўжалик юритиш ва бошқариш системаси кўп жиҳатдан иш бермай қўйди, янги механизмлар эса ҳали тўла куч билан ишлай бошлагани йўқ. Мана шу ўтиш ҳолати давомида беқарорлик кўринишлари, бошқарувнинг заифлашуви содир бўлмоқда, одамларнинг онгида беҳаловатлик юзага келмоқда. Агар бу ҳолат чўзилиб кетса, халқ учун таҳликали салбий оқибатларга айланиши мумкин. Бунинг иложи битта — қатъият билан ҳаракат қилиш, белгиланган ихтисосларни зўр ғайрат билан амалга ошириш керак».

Б. ҲУСАНОВ,
«Алгоритм» заводи директорининг ўринбосари.



⊙ ҚУЮВЧИ. Тошкент тажриба-механика заводининг ишчиси Нодир Камолов.

Т. Каримов сурати.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ИЛК ОДИМЛАР ҚАНОАТЛАНТИРАДИМИ?

ТОШКЕНТ шаҳар юк ташиш транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-автокомбинати дастлабки ойларда барча техник-иқтисодий кўрсаткичларни адо этди. Шартнома мажбуриятлари 107,9 фоизга бажарилди. Даромад олиш 103 фоизга адо этилди.

Корхонада янгича хўжалик юритишнинг илк самаралари кўринмоқда. Меҳнатни ташкил этиш жараёнига ҳам бирмунча ўзгартиришлар киритилди. Масалан, илгарилари машиналар буюртмага кетганида шофёрлар соатбай ишларди бўлсалар, бугун кунбай тартибда меҳнат қилятпилар. Шаҳримизнинг барча корхоналари сингари мазкур автокомбинатда ҳам машиналардан фойдаланиш тарифлари оширилди. Ваҳоланки, бир неча йилдан буён ёнилғи ҳамда қўшимча қисмларнинг нархи ошганлигига қарамай буюртмачилар машинадан фойдаланишга эскича нархда тўлардилар. Бу йилдан эса ана шу ўзгаришлар ҳисобга олинди.

Бугун корхонада 1600 та машина мавжуд. Ана шу техниканн таъмирловчи ишчиларнинг маоши ўтган йили 149,8 ўрнига 171,2 сўмни ташкил этди. Албатта, бу рақамлар кишини ўйлантириб қўяди. Маош ошганлиги кўплаб машиналарнинг ремонталаб бўлиб қолаётганидан эмасмикин? Айтишларича, бу бўлимда ишчиларнинг қисқартирилиши туфайли ошибди. Бу ерда барча машиналарнинг бир маромда ишлаши учун ҳаракат қилиняпти. Лекин ҳали етарли натижаларга эришилди деб бўлмайди. Автокомбинатдаги машиналарнинг аксарияти ўз хизмат муддатини аллақачон ўтаб бўлган. Уларнинг ўрнига янгиларини олиш эса осон кўчмаяпти. Масалан, ўтган йили мўлжалдаги 165 та ўрнига 150 та янги машина олинди. Бу йил эса таъминот яна 40 фоизга қисқартирилар экан. Хўш, бундай аҳволда ҳайдовчилар нима қилишсин? Эскини ямагунча эсинг кетади, дейишади. Машиналарни ҳар сафар қайта-қайта таъмирлайверишнинг ўзи бўлмайди-ку, ахир. Озиқ-овқат маҳсулотини ташийдиган машиналарнинг турларини такомиллаштириш масаласи ҳам ҳал этилиши лозим муҳим масала. Автокомбинат аҳли йил давомида оз эмас, 3640 тонна юкларни манзилларга етказиб беради! Аммо 2, 5, 6, 9, 10 ва 12-автоколонналар юк ташиш планини 96—99 фоиз адо этди, холос. Бунга машиналарнинг турли сабаблар билан йўлга чиқмай қолаётганлиги сабаб бўляпти. Тўғри, корхона бўйича бу нуқсонларга батамом чек қўйиш ҳаракатидалар.

Соф фойдани янада ошириш мақсадида бу ерда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасига эътибор берилмоқда. Ўтган йили 85,3 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилган эди. «Фаэтон» ҳамда «Тоҳир—Зуҳра» кооперативлари ҳам ҳайдовчилар ва уларнинг оила аъзоларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Хўжалик ҳисобидаги участканинг ишчилари эса бошқа автокорхоналарнинг турли машиналарини таъмирлаш билан машғул бўляптилар. Бу ишнинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам даромад фондини оширяпти.

Ҳайдовчилик касби масъулиятли, эътиборталаб касб. Баъзи ҳайдовчилар шанба ва якшанба кунлари ҳам меҳнат қилишади. Бу нон ва сут ташувчи машина эгаларига тааллуқли. Корхонада бу йил уларга 300 минг сўм қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутиляпти. Шанба куни 400 та ва якшанба кунлари 250 та автомобиль буюртмаларни бажаряпти. Шунингдек, ҳайдовчиларнинг меҳнат отпускаларини 15 кундан 21 кунгача чўзиш ва бунга 15 минг сўм маблағ ажратиш ҳам амалга оширмоқда. (Ўтган йили автокорхона ҳайдовчиларига 6 минг 500 сўм миқдорида санаторий ва курортларга туристик йўлланмалар берилган, 21 ҳайдовчига уй-жой қуриш учун ер майдони ва боғдорчилик ширкати аъзоларига эса 40 минг сўм маблағ ажратилган эди). Хуллас, озми-кўпми ишлар қилиняпти. Лекин бугунги натижалар чегара эмас.

Бу ерда хўжалик ҳисобида иш юритиш, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш борасида дастлабки қадамлар ташланди. Лекин аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида бирлашманинг 39-автобаза ҳамда 2502-автоколонналари сингари бу ерда ҳам ижара пудратини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлмасмикин? Бугунги танланган йўл шуни кўрсатяпти.

Қолаверса, мазкур автокорхона бугунги кунда жуда кўплаб объектларини қура бошлаган. Қайта таъмирлаш ишларига ҳам каттагина маблағлар ажратилмоқчи. Демак, марказлашган фондларга солиқ тўлаш масаласини ҳам юқори ташкилотлар ўйлаб кўришса, айни муддао бўларди. Бошқа масалаларда эса корхона раҳбарлари ҳам жиддий бош қотиришлари зарур бўлган муаммолар тиқилиб ётибди. Бу эса уларга яхши маълум.

В. МАДИМАРОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Янгиликлар. Воқеалар. Хушхабарлар

ҒОЛИБЛАР ҒАЙРАТИ

⊙ **СЕРГЕЛИДАГИ** ошхона жиҳозлари ва бошқа мебеллар заводида йилнинг дастлабки уч ойи ичида ишчилар ўртасида ташкил этилган ўзаро меҳнат беллашувида Г. Усмонов, В. Мордухаевлар ғолиб чиқишди. Ишчиларнинг ғайрат-шижоати туфайли режа ва мажбуриятлар мунтазам ортиғи билан адо этиляпти. Заводда йил бошидан бери тайёрланган буюмлар 9 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу маҳсулотларнинг 230 минг сўмлиги топшириққа қўшимча тайёрланди.

ЕДГОРЛИК БУЮМЛАРИ

⊙ **ШАҲРИМИЗДАГИ** «Реле ва автоматика» заводида халқ истеъмоли буюмларн тайёрлашга муҳим эътибор берилмоқда. Айни кунларда корхонада аҳоли учун 50 дан зиёд буюмлар тайёрланмоқда. Болалар учун тайёрланаётган турли ўйинчоқлардан ташқари қатор уй-рўзғор буюмлари ҳам савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

БУГУН корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сони бир нечтага ортди: икки хил ёдгорлик буюмлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Д. ОБЛАЕВ.

ТУРЛИ МАВЗУЛАРДА

⊙ **ОЙБЕК** номидаги Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи илмий ходимлари музей ёпиқ бўлишига қарамасдан жумҳурият меҳнаткашлари ўртасида Ўзбекистон тарихи, қадимий урф-одатларимиз тўғрисида ва бошқа бир қатор мавзуларда тарғибот ишларини олиб бормоқдалар.

1990 йилнинг ўтган ойлари ичида завод, фабрика, олий ўқув юртлари, мактаблар, маданият саройларида «Қадимий Ўрта Осиё маданияти», «Дўстлигимиз, қудратимиз — бирликда», «Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан алоқалари» ва шунга ўхшаш ўндан ортиқ кўргазмалар ташкил этилиб 40 дан ортиқ ташкилотда намойиш қилинди ва турли мавзуларда маърузалар ўқилди. Музей илмий ходимларидан К. Турсуналиев, И. Тўхтиев, С. Саидхонова, М. Каримовалардан иборат бир гуруҳ Жиззах области меҳнаткашлари ўртасида маърузалар ўқидилар.

А. ҚОСИМОВ,
ЁШ АВЛОД УЧУН

⊙ **Шаҳримизнинг** Улуғбек даҳасида 1176 ўқувчига мўлжалланган тўрт қаватли янги мактаб бинои муддатидан олдин топширилди. 159-қурилиш трестининг Ж. Муҳамедов, С. Пак (22-қурилиш бошқармаси), В. Г. Бобилев (2-қурилиш бошқармаси) ва М. Шулгабоев (46-қурилиш бошқармаси) бунёдкорлари бунёд этган бу мактаб биносида барча шарт-шароитлар яратилган.

— Мактаб янги лойиҳа асосида қурилди, — дейди участка бошлиғи Ж. Муҳамедов. — Бундай мактаблар Иттифоқимизда жуда саноқли бўлиб, ўзига хослиги, ойнаванд айвонлари, синф хоналарининг ниҳоятда кенглиги ва кўркамлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Фикримизча, ёш авлод учун келгусида бундай қулай биноларни яна кўплаб яратиш лозим.

М. БАҚОЕВ.

Истеъмол буюмлари кўпаяди

УЙ БЕКАЛАРИ УЧУН

«ТОШКЕНТ АБРАЗИВ КОМБИНАТИ» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўзининг асосий маҳсулотларидан ташқари халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Бундай маҳсулотлар чакана нархларда 4 миллион 100 минг сўмликни ташкил қилади. Корхонада ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ўсди. Шу йилнинг дастлабки икки ойи давомида пландаги 595 минг сўмлик ўрнига 649 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу эса ишлаб чиқариш топшириғини 109 фоизга адо этиш демакдир.

Тўқиш учун мосламалар ишлаб чиқаришга пўлатнинг махсус тури ишлатилади. Илгари бу маҳсулотга буюртма бериш ва уни қабул қилиб олишга таъминот бошқармаси ёрдам берарди. Ўтган йилдан бошлаб эса иқтисодий алоқалар бошқача йўсинда олиб борилияпти.

— Беларецк металлургия заводи кўпроқ маҳсулот юбориш учун шартномани имзоламаяпти,—дейди корхона бош директорининг ўринбосари О. А. Зильберман. — Ҳолбуки бундай маҳсулотларга талаб йилдан-йилга ўсиб боряпти. Бу борада Иттифоқимизда белгиланган планга кўра хом ашё таъминотини йўлга қўйиш хусусида махсус қарор қабул қилинган. Лекин унга ҳамма ерда ҳам риоя қилинмаяпти.

Кенг истеъмол моллари ўртасида уй бекалари идиштовоқларни ювадиган «Самара» деб номланган махсус ювгич мосламалар ҳам бор. Бундай мосламалар нотўқима матолардан тайёрланади. Биз учун керакли нотўқима мато Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилади. Шунга қарамай зарур маҳсулот катта сарф-харажатлар эвазига Россиянинг узоқ шаҳарларидан келтирилади. Шартномага имзо чеккан Железногорск тўқувчилари эса буюртмани ўз вақтида адо этмайдилар. Шу йилнинг дастлабки кварталн якунланган бўлишига қарамай бирор квадрат-метр нотўқима мато ололганимиз йўқ.

Ҳақиқатан ҳам корхонадагилар бугун мураккаб аҳволга тушиб қолганлар. Лекин шунга қарамай барча имкониятларни ишга солиб, топшириқлар ортиғи билан бажарияпти. Лекин ишчиларга шароит яратиб берилса, эртага бугунгидан бир неча карра яхшироқ ишлашлари мумкин. Буни корхонанинг илғор ишчиларн ўз меҳнатлари билан тасдиқлаяптилар.

У. УСМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотни тахловчи В. Короткова, сифат назоратчиларн Л. Куряцева ва Г. Сейдалиева.
Муаллиф суратлари.





АРМИЯ ВА ФЛОТГА— МУНОСИБ ЙИГИТЛАР

Ҳақиқий ҳарбий хизматга ёшларни бу йилги баҳорги чақириш ижтимоий турмушнинг мураккаб шароитида амалга оширилмоқда. Демократиялаш, ошкоралик жараёнлари ҳамиша давлат ва жамият хавфсизлигининг ишончли кафолати бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолаётган мамлакат Қуролли Кучларидаги кўпгина муаммоларни юзага чиқариб қўйди.

Лекин реал мавжуд қийинчиликлардан ташқари жамиятдаги Совет Федерациясини бузишга, миллатчилик ва шовинизм кайфиятларини авж олдиришга уринаётган муайян кучлар бутун чоралар билан армия билан халқ орасига совуқчилик солишга ҳаракат қилмоқдалар.

СССР Мудофаа министрлигининг бир гуруҳ генераллари ва офицерларининг, республика ҳарбий комиссариатларининг ходимлари, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари билан 6 апрель куни Тошкентда бўлган учрашувида йигитларни армияга чақиришга доир ана шу муаммолар ҳақида жиддий гаплашиб олинди.

Учрашувни Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко очди.

Учрашувда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. Д. Лизичев доклад қилди.

Совет Қуролли Кучлари сиёсий эҳтиросларнинг авж олишига қарамай, ҳозирги шароитда ўзларининг асосий вазифаларини ишонч билан бажаришлари, яъни Ватанни ҳимоя қилишлари шарт. Ҳозир жамиятимиздаги мавжуд кескинлик чоғида аввало, ҳарбий комиссариатлар, армия билан халқни боғлаб турувчи асосий бўғин янгича ёндашувларни ва иш усулларини қидириб топиши керак. Граждан аҳолиси Қуролли Кучларнинг турмуши ва муаммолари билан батафсил танишмоғи учун сўнгги вақтда кўп иш қилинмоқда — солдат оналарининг слётлари, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юртларида очиқ эшиклар кунлари ўтказилмоқда. Солдатларнинг ота-оналари ҳарбий комиссариатларнинг ходимлари билан биргаликда бўлинмаларни комплекс текширишда иштирок этмоқдалар. Буларнинг ҳаммасини янада ривожлантириш зарур, албатта.

Бунинг устига, асоссиз равишда, масалан, армияга чақирилувчилар хизмат қиладиган жойни, улар юборилаётган қўшин турларини сир тутиш практикасидан воз кечиши керак. Чақирув участкаларида йигитларни ҳамда ўз фарзандларини кузатиш учун келган ота-оналарни баланд девор билан ажратиб қўйишга ҳеч қандай зарурат йўқ. Чақирувни ташкил этувчи ходимлар бу ерга келувчи ҳар бир кишига ҳурмат билан қарашлари лозим.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи мамлакат Қуролли Кучларига келаётган йигитларнинг фазилатларн, ёшларнинг хизматга маънавий жиҳатдан тайёргарлиги даражаси пасаяётганлиги хусусида асосли равишда ташвиш билдирди. Армияга саломатлиги мустаҳкам бўлмаган йигитларни жўнатиш ҳоллари кўп учрамоқда. Мактабни битиргандан сўнг Армияга чақирилгунга қадар ҳеч қаерда ишламаётган ва ўқимаётган хизматга чақирилувчилар сони икки баравар кўпайди. Шугина эмас, хизматдан бўйин товлашга интилаётганлар ҳам анча кўпайди.

Буларнинг ҳаммаси Қуролли Кучларимизнинг заифлашувига олиб боради. Аммо жанговар тайёргарлик даражасини пасайтириш — тинчлик учун курашни бўшаштириш демакдир. Афсуски, ҳозирча ўзимизни ҳимоя қилишимизга тўғри келади. Шу сабабли ҳозирги пайтдаги асосий вазифа мамлакатни жарликка итараётган, армияни қоралаш йўли билан Ватаннинг мудофаа қалқонига шикаст етказишга уринаётган бузғунчи кучлар устун келишига йўл қўймасликдан иборат.

Армия генерали А. Д. Лизичев тўпланганларнинг саволларига жавоб қайтарди. Армияга чақирилиш ёшига етмаган ва чақирилиш ёшидаги йигитлар билан ишлашни такомиллаштиришга доир амалий тавсиялар берди.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ҳарбий кенгаш аъзоси— Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант А. И. Захаров, республика комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Носиров қатнашдилар.

* * *

Шу кунн Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. Д. Лизичевни қабул қилди.

(ЎзТАГ).

Оталиқдаги корхонада

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА

Суратли репортаж





«ЧЕВАР» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларни ўз саломатликларини мустаҳкамлашнинг ортиқча ташвишини қилмайдиган бўлишди. Корхонанинг ёнида маиший хизмат уйи ишга туширилди.

— Бу кунни жуда орзиқиб кутган эдик, — дейди бирлашма тажриба цехи андозачиси Сайёра Зиёмирзаева. — Корхонамизда ишловчиларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этишади. Уларнинг ишдан кейинги юмушлари талайгина. Кимдир боласини боғчадан олиш учун кичкинтойлар масканига ошиқади. Бошқа биров эса кундалик рўзғор ташвишида узоқдаги дўконга мева-сабзавот харид қилгани боради. Хуллас ҳар кимнинг ўзига яраша иши, юмуши бор. Бирлашма маъмурияти корхонанинг ўзида ишчи-хизматчиларга енгиллик яратиш чорасини топди. Энди биз ишдан кейин ва бўш вақтимизда маиший хизмат кўрсатиш уйидаги дўкондан мева ва сабзавот маҳсулотларини бемалол сотиб оламиз. Омонат кассасининг хизматидан фойдаланамиз. Яна сартарошхона, ишчи-хизматчилар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган хоналар бизнинг ихтиёримизда. Бундан қувонмай бўлмайди. Ўзим 17 йилдан бери шу цехда меҳнат қилиб келаяпман. Кейинги пайтда бирлашмамизда ишчи-хизматчиларнинг социал шароитини яхшилашга бўлган эътибор ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Яхши ишлаб, ютуқларимизни мустаҳкамлаб боришимизга ёрдам бермоқда.

Бу биргина Сайёра Зиёмирзаеванинг дил сўзи эмас. Бирлашмадаги аксарият ишчи-хизматчилар, моҳир чеварлар ўзларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш йўлида корхонада олиб бораётган ишлардан мамнун. Негаки бу — туб ислоҳот даврида жамоанинг дадил одимига яхши йўл очмоқда. Ютуқларни янада мустаҳкамлашда қўл келаяпти. Унумли ютуқлар эвазига олинган даромад муҳим социал иншоотлар қурилишига, жамоанинг бошқа эҳтиёжига сарфланаяпти. Маҳаллий саноат корхоналарини лойиҳалаш институтути меъморлари лойиҳаси асосида барпо этилган икки қаватли, замонавий маиший хизмат уйи Ўзбекистонда ягона. Унинг биринчи қаватида омонат кассаси, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, сабзавот ва мевалар билан савдо қилувчи дўкон, умумий даволаш хоналари ўрин олган. Иккинчи қаватда эса спорт анжомлари билан таъминланган аэробика зали, биллиардхона, бирлашма кутубхонасининг ўқув зали, дам олиш хонаси жойлашган. Уларнинг ҳаммаси ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишга хизмат қилади.

— Келгусида бундай қулайликлар кўламини янада кенгайтирмоқчимиз, — дейди бирлашма директори Азиз Юнусович Ҳакимов. — Йил охирида ишчиларимизнинг фарзандлари учун 190 ўринли болалар боғчаси ишга туширилади. Келаси йили ҳам яна бир боғча кичкинтойларни бағрига олади.

Корхона мустақиллик сари дадил қадамлар қўймоқда. Ўтган йили жамоа меҳнатчилари Америка билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган эдилар. Бу йил Хитой ва Австрия мамлакатлари билан ҳамкорликда ишлаш йўлга қўйилмоқда. Иш шу тарзда юришиб турса, бирлашма ёрлиғи туширилган маҳсулотлар албатта жаҳон бозорини безайди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.



⊙ ҚУЛАЙЛИКДАН ҲАММА ШОД. Маиший хизмат кўрсатиш уйининг ташқи кўриниши ва заллари.

Р. Шарипов суратлари.

Тармоқ ўқув дастури

⊙ ЎЗБЕКИСТОН ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонуни муносабати билан билим даргоҳларида ўзбек тили ва адабиётини ўқитишга бўлган эътибор янада ортди. Ана шу муҳим илмий-методик вазифани муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлиги ва унинг ўқув-методика маркази қатор тадбирларни белгилайди.

«Ўзбек тили» тармоқ дастурининг тузишга киришилгани нур устига аъло нур бўлди. Марказ кенгаши қарори асосида рўёбга чиқарилаётган бу методик дастур узлуксиз таълим тармоғи бўйича ўқув ишларини ташкил этишни уюштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ҳужжатни яратиш учун катта илмий-методик куч сафарбар этилди. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институти, Бухоро, Самарқанд, Наманган каби вилоятлар педагогика олий ўқув юртларидан етакчи олимлар иштирокида бу дастур мукаммал равишда ишлаб чиқилади.

Ана шу илмий-методик жараён давомида тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш тадбирлари кўрилади. Жумладан, она тили ва адабиётни ўқитишнинг турли йўналишларини тадқиқ этишда, уларни амалиётда қўллашда янги тузилган кўмаклашувчи доимий конференцияларнинг роли катта бўлади. «Ўзбек тили» бўйича бундай йиғилишлар Тошкент давлат педагогика институтида ўтказиладиган бўлинди.

Бундан ташқари эски ўзбек ёзувини факультатив сифатида ўқув режасига киритиш кўзда тутилди. Янги курс 1990—1991 ўқув йилидан фан сифатида ўқитила бошланади. Бу машғулотларда фойдаланиладиган дарслик ҳам тайёрланди.

Махсус мактаблар учун эса дастлабки дастур ва тавсиялар чиқарилди.

Саодат ОДИЛОВА.

⊙ Янги уйга кўчиб кирган одам кенг, ёруғ ва ёзнинг жазирама иссиғида ҳам, қишнинг совуқ кунларида ҳам қулай бўлишини истайди. Бу қулайликлар ҳамма биноларда ҳам бор деёлмаймиз.

Шахсий фикрим

Уйларимиз ҳақида ўйлар

Йирик панелдан қурилган уйларни олиб қарайлик. У—3—500 туркумидаги бу уйлар асосан 5 қаватли бўлиб, улар Тошкентда ер қимирлагандан кейин жуда кўп даҳаларда қурилди. Шу уйлардан жой олган одамлар аввал беҳад хурсанд бўлдилар. Ноқулайликлар эса аста-секин юзага чиқа бошлади. Биринчи навбатда кишини ташвишлантирадиган томони — хоналарнинг лойиҳаси яхши эмаслиги. Бир кишига мўлжалланган хонадонга мебель олиб келиб қўйсангиз, уйингизда бемалол юра олмайсиз. Бундай жойда меҳмон чақиришни ният қилмасангиз ҳам бўлади. Давлатимиз бугун ҳар бир оилани турар жой билан таъминлашга алоҳида эътибор билан ёндошаётган бир пайтда уларнинг лойиҳасини қулай қилишга ҳам талабчанлик билан ёндошиш зарур. Нимага энди бугун хоналарнинг торлигини ҳисобга олиб, уй ичидаги жавонларни деворларга жойлаштириш, яъни хона саҳнини кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш мумкин эмас?

Лойиҳачиларимиз номига яна бир гап: йирик панелли бетон уйларнинг 5-қаватидаги хонадонларда томи нобоплигидан бўлса керак, ёзнинг иссиқ кунларида, қуёшнинг жазирамали ҳароратида туриб бўлмайди. Иссиқнинг тафти тун ярмигача хонадан кўтарилмайди. Хонадон соҳиблари ёз бўйи кунни тунга улаб азоб чекадилар. Бундай аҳволни бугун пойтахтимизнинг Чилонзор район, 26-даҳасидаги 20, 21-уйлар, Октябрь район, Ҳувайдо кўчасидаги 2-А, 4-А уйларда ва бошқа кўплаб уйларда кузатиш мумкин. Энди шу йирик панелли уйларнинг қишдаги аҳволига бир назар ташлайлик. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси қурувчилари томонидан бунёд этилган уйжойларда линолеум, балконларда эса цемент полни кўриш мумкин. Бу авваламбор инсон саломатлигига зарар. Хоналар яхши исимайди. Пластинка иситгичлар сал илишдан нарига ўтмайди. Лойиҳачилар жумҳуриятимиз иқлимини ҳисобга олиб, ҳар бир хонадонда чўянли иситиш мосламасини кўзда тутсалар, айни муддао бўларди.

Уйларимизнинг иссиқ ва совуқ сув билан таъминланишига келсак, ертўлалардаги сув қувурлари тезда чириб, тешилиб кетаётганлиги ташвишли ҳодиса эканлигини айтиб ўтиш керак. Бугун иссиқ сув системаларидан фойдаланишни ва уларни техник жиҳатдан назорат қилиш ишлари бевосита «Тоштеплокоммунэнерго» ташкилотига топширилса, айни мақсадга мувофиқ иш бўлар эди. Чунки қандай носозлик бўлмасин, иссиқлик етказувчи системалари борасида уй-жойлардан фойдаланиш идораси ходимлари шу ташкилотдан ёрдам сўрайдилар. Қурувчиларимиз, шунингдек, пўлат қувурлар ўрнига янги кимёвий полимер материалли қувурлардан фойдалансалар бўлмайдими?

Кўп қаватли уйларимизнинг айвонлари талабга жавоб бермайди. Улар тор ва кўпинча ойнаванд бўлмайди. Тошкентнинг «Марказ—26», «Марказ—27» мавзеларида шундай айвонларни кўриш мумкин. Хонадон соҳиблари шу сабабли ўзларича баҳоли-қудрат турли ромларни қуриб оладилар. Бу бинонинг кўринишига салбий таъсир этади. Уй-жой биноларини лойиҳалаштиришда иқлим шароитлари ва миллий хусусиятлар ҳам эътиборга олиниши керак. Шунинг учун сўнгги пайтларда ҳашар йўли билан қурилаётган тўйхоналарни ҳам турар жой даҳалари лойиҳасига киритиш зарур. Ўз кучлари билан тўйхоналарни қуриб олишган Себзор, Охунбобоев майдони, Чорсу даҳаси аҳолиси қилган ишларидан ниҳоятда мамнунлар. Бундай тўйхоналар одамларимизга жуда зарур. Улар авваламбор кўпчиликни бир ерга тўплашда, яхши-ёмон кунларда, тўй-маъракаларда ниҳоятда қўл келади.

Биноларнинг ташқи кўринишида ҳам ўзига хослик бўлиши зарур. Сўнгги йилларда кўп қаватли уйларга эътибор берсак, Иттифоқимизнинг турли жойларида улар бир хилдек туюлади. Ахир, бундай аҳвол давом этаверса, шаҳарларимиз битта қолипдан чиққандек бўлиб қолади-ку. Қолаверса, бизнинг иқлимимизда 5—9 қаватли уйлар эмас, балки 1—2 қаватли ғиштли уйлар зарур. Шаҳримизнинг Октябрь районидаги «Марказ—27», Гулбог мавзеларининг бир қисми коттеж уйлардан иборат. Келгусида шундай уйларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ.

Турли даҳаларга назар ташласак, бу ерларда бодроқдек қаторлаштириб қуриб ташланган енгил автомашиналар гаражларини кўрамиз. Ваҳоланки, ер майдонларини банд қилмай, замонавий, барча техникавий тадбирларга жавоб бера олувчи, 400 тадан 600 тагача автомобилни ўз бағрига сиғдира оладиган тўхташ жойларини қуриш вақти етди. Шунда очиқ майдонларни болалар майдончаларига, боғларга айлантириш мумкин.

Бугун жумҳуриятимиз пойтахти ҳаддан ташқари кенгайиб кетган. Яна 10 йилларда сўнг атрофдаги колхоз-совхоз ерларини ҳам эгаллаб оламиз. Лекин бунга йўл қўйиб бўлмайди. Тошкент шаҳридаги мавжуд майдонлардан унумли фойдаланиш, қурувчилар ишини яхши ташкил этишгина алоҳида хонадонга эга бўлиш учун навбат кутаётганлар сонини камайтириши мумкин. Бугун бу ишга астойдил киришилган. Лекин юқорида тилга олинган таклифлар инобатга олинса, нур устига аъло нур бўларди.

Даврон РАҲМОНОВ,
Ўрта Осиё газлаштириш илмий-тадқиқот лойиҳа институтининг етакчи инженери.



Ҳикмат—бир ҳовуч олтин

Синалган сабоқлар

● Дилни пок тутган, тилни ёмон сўздан тийган одам зоелик кўрмайди.

● Ҳалол сўз, ҳалол иш, ҳалол ош, ҳалол муомала—бахт-саодатга йўл очади.

● Қояларга урилган овоз акс садо берганн каби, яхшилик ва ёмонлик қилинса оқибатсиз қолмайди.

● Ким кимни қаллоблик билан алдамоқчи бўлса, ўзи алданиш домига тушади.

● Ҳаётда ҳар кимнинг ўз нон-насибаси бор, унн ҳеч ким тортиб ололмайди, модомики олса ҳам буюрмайди.

● Бировга туҳмат тошнн отган бало-қазо тошга дучор бўлади.

● Бахтли одам бахтига ҳасад қилган одамнинг бахти қаро бўладн.

● Тирноқ остидан кир изламан кимса охир ўз этнни ейдн.

● Кўнгил соф бўлса, чеҳра офтоб бўладн.

● Тўғри одамнинг ҳеч қаерда оёғи қалтирамайдн.

● Яхшн ниятда дилн билан тилнни бир тутган одам ёмонлик кўрмайдн.

● Ғунча очилишига зормуш, Очилгач, булбулга ёрмуш.

ЕТТИ НАСИҲАТ

● Ҳар қанча хушхўлик бўлса ҳам, фақат ўз манфаатнни кўзлаган одамни яхшн фазилатлн деманг.

● Заҳардан — бол, ғойибдан — иқбол кутманг.

● Елғон сўзлаб юрадиган одамдан рост ваъда умнд қилманг.

● Йўлда адашган сарсон бўлганндек, болаликдан нотўғри тарбня олганни тузатиш қнйин бўлишнни унутманг.

● Қора намат ювган билан оқармаганндек, қора дилнн поклаб бўлмаслигнни ёдда тутнинг.

● Бировнинг бахт-камолига завол етказаман деган одам, завол балосига учрашнн билиб қўйинг.

● Ширин данакдан ширин мева етилганндек, яхшиликдан ҳеч қачон касофат эмас, фақат шарофат меваси унишнни ёдда тутнинг.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

Ноёб масаллиқлар

⊙ Ҳурматли редакция! Бир вақтлар ота-боболаримиз табиат эҳсонлари бўлмиш кунжут, зиғир ўсимликларидан олинадиган мойлардан тадбиркорлик билан фойдаланишган. Ҳозирда мазкур шифобахш ўсимлик намуналаридан олинадиган масаллиқлар нега ноёб бўлиб қолди? Антиқа маҳсулот — кунжут ва зиғир мойи ҳақида маълумот берсангиз.

Меҳрибон САЪДУЛЛАЕВА, ишчи.

КУНЖУТ

КУНЖУТНИНГ хосиятлари қадим замонлардан бери маълум бўлиб, унинг уруғлари асосида олинадиган мой бир қатор хасталикларни даволашда фойдаланилар эди. Жумладан, кунжутдан зиқнафас ва астмани даволашда, жароҳат ва яраларнинг эт олишини тезлаштириш учун, куйган терини асоратланишдан сақлаш мақсадида фойдаланилган.

Кунжут халқ табобатида қиздирилган ёки қовурилган ҳолда қувватбахш омил сифатида тавсия этилгани учун, азал-азалдан хонаки нон-кулчалар юзини кунжут уруғлари билан безаш расм тусига кирган. Кунжутли нонлар ҳийла узоқ муддат ўзининг сархиллиги ва кувраклигини сақлайди, моғор босишдан ҳоли бўлади.

Кунжутнинг хосиятлари кўп. Ундан барчага маълум бўлган хушхўр тахин ҳолвалари тайёрланади. Кунжут мойи озиқ-овқат саноатида, қандолатчилик жабҳасида ишлатилади, шунингдек ундан сифатли маргарин ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Кунжут мойини қиздириб, ҳосил бўлган дудидан қимматли туш олинади.

Умуман, кунжутнинг 35 тури қайд этилган бўлиб, уни маданий равишда ўстириш Жанубий-Ғарбий Осиёда кенг тус олган эди. Ҳозирда Ўзбекистонда ҳам кунжут етказиб берувчи хўжаликлар мавжуд. Одатда кунжут экиладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 2,8 — 3,5 центнер ҳосил олинади. Демак, кунжут етказиб берувчи хўжаликлар етарлича ташкил этиладиган бўлса, бу серхосият ўсимликнинг шифобахш марҳаматидан баҳраманд бўлишимизга шароит яратилган бўлади.

ЗИҒИР

ТЎҒРИСИНИ айтганда, ҳозирда кундалик ҳаётимизда зиғир мойидан фойдаланилмаяпти. Ваҳоланки, бир вақтлар зиғир мойи ҳар бир хонадоннинг ошхона бисотидан жой олгани рост. Муболағасиз айтиш мумкинки, жувоз мойи деган атама ёдимиздан кўтарилган деса бўлади.

Халқ табобати амалиётида зиғир уруғидан тайёрланадиган туркона дориворлар меъда яллиғланиши, меъда яраси, муртак безларининг шамоллашида, изтиробли йўтал, буйрак хасталикларига даво сифатида тавсия этилади. Зиғир уруғлари асосли қайнатма сут билан омухталигида ўпка силига малҳамлик қилувчи омил бўлиб хизмат қилган.

Зиғир уруғлари асосида саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган линетол дориси одам аъзоларида модда алмашинувини яхшилаш, юрак огриқларига малҳамлиги, хавфли атеросклероз хасталигига эмлик қилиши аниқланган эди.



Хуллас, зиғирдан серхосиятли неъмат сифатида фойдаланилади. Зиғир толали матолар ўзининг пишиқлиги ва одмилиги билан ажралиб туради. Ҳозирда «Яшил дорихона»лар бисотида зиғир уруғлари қадоқланган ҳолда ихчам қутичаларда чиқарилмоқда. Уларнинг ёрлиқчаларида бу доривор омил хосиятларидан ўринли фойдаланиш усуллари аниқ ва лўнда қилиб битилган.

Маннон НАБИЕВ, доришунос.

Анъаналар—халқ мулки

Меҳр-оқибат белгиси

ЭЛ-ЮРТГА ош бериш ўзбек халқининг азалий удумларидан. Ош — тўқлик белгиси, инсоннинг инсонга меҳр-оқибати белгиси. Шунинг учунми, ош берилган хонадоннинг файзи ўзгача бўлади.

Бу йилги Наврўз байрами шундай кенг нишонландики, таърифини икки оғиз гап билан ифодалаб бўлмайди. Ана шу улуғ айём кексаю- ёш — барчанинг қалбига эзгулик уруғини сепди, кишилар ўртасида йўқолаёзган меҳр-оқибатни, иззат-ҳурматни қайта тиклади. Ешлар қалбида миллий урф-одатларимизга қизиқишни кучайтирди.

Ўша куни пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги 99-ўрта мактабда (ўқувчилар баҳорги таътилга чиққан бўлсаларда) одам гавжум бўлди. Бунинг сабабчилари ушбу зиё масканни 1977 йили битириб кетган йигитлар эди. Пешинда берилган ошга «Оққўрғон» ҳамда яқин-атрофдаги маҳаллалардан таклиф қилинган кишилар келишди. Карнай-сурнай садолари анча пай,гача узоқ-узоқларга таралиб турди.

— Биз ўн етти кишимиз, — дейди жўралар сардори Ботир Расулев. — Бундан беш-олти ой бурун бир йигинда шу ҳақда фал очилиб қолди: ўртада йигилаётган пулимиз анча бўлиб қолибди, шуни бирон эзгу мақсадга сарфласак қандай бўларкин? Биримиз 9 май — Ғалаба кунини, яна биримиз Наврўздан кечиктирмай ўтказишни таклиф қилдик. Обдон кенгашиб Наврўз кунларини маъқул топдик. Кейин ниятимизни маҳалла комитети раиси ва оқсоқолларга айтдик. Уларнинг қўллаб-қувватлаши, маслаҳатлари ва ёрдамлари туфайли мана шунчалик ўтказдик. Ниятимиз оталаримиз, акаларимиз кўнгилларини шод этиш эди — ниятимизга етдик.

Ўша куни ким билан суҳбатлашмайлик, улар ҳақида фақат илиқ гаплар эшитдик. Ешлар бор бир жойга тўпланиш деса фақат ичкилик, бир-бирини уч-тўрт сўмга туширишни ўйлашади. Ўшалар мана шу йигитлардан ҳар томонлама ўрнак олишса арзийди. Чунки улар боболаримиз урф-одатини давом эттиришяпти, ўз халқининг муносиб фарзандлари бўлишга интилишяпти.

Собиқ ўқувчилар устозларини ҳам унутишмади. Бир-икки кун бурун уларга атаб алоҳида дастурхон ясатишди. Нафақага чиқиш пенсиясига чиққанларни бирма-бир айтиб, ўзлари бориб олиб келишди. Эҳ, кекса муаллимларнинг ўшандаги қувончлари: «Унутишмабди, — дейишарди бир-бирларига. — Меҳнатимиз, берган таълимимиз зое кетмабди».

Ўқитувчига дунёда бундан ортиқ мукофот борми?

Бу йигитлар эндигина ўттизинчи баҳорларини қаршилашди. Лекин маҳалла-кўйда ўзларига яраша ҳурматлари, ўринлари бор. Бу ҳам бўлса ота-боболаримиз удумини давом эттираётганликларидан, халқнинг яхши-ёмон кунларида бир жон, бир тан бўлиб турганликларидан. Ахир шулар-да маҳалланинг эртанги фаолларк, раҳбарлари, ёшларга тўғри йўл кўрсатувчилари!

Равшан АБДУЛҲАЕВ.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АВТОМОБИЛЬ ЮТИШ МУМКИН?

Аниқ мақсадга қаратилган фоизсиз давлат заёмлари чиқарилмоқда

⊙ Автомобиллар ва митти тракторларни сотиб олиш учун чиқарилган облигациялар иттифоқдош республикаларнинг омонат банкларига келиб тушди. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар коллективларида уларни тақсимлаш бошланди.

БУ ВОҚЕА эътибордан четда қолмади, катта қизиқиш уйғотди. Банкнинг истеъмолчиларга хизмат кўрсатишининг янги шакли, унинг шартлари қандайлиги кўпларни қизиқтирмоқда. СССР омонат банкида хабар қилишларича, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга аҳоли қўлидаги пулларни фаолроқ жалб этиш мақсадида узоқ муддат фойдаланиладиган молларни харид қилиш учун облигациялар тарзида аниқ мақсадга қаратилган процентсиз давлат заёмлари чиқарилмоқда. Уларни ҳаммаси бўлиб салкам ўн миллиард сўмлик — олти миллион 610 минг дона чиқариш кўзда тутилган.

Ютуқлар орасида турли маркадаги енгил автомобиллар, митти трактор, кажавали мотоциклар, ҳолодильниклар, рангли телевизорлар, кир ювиш машиналари — жами 16 хил буюм бор. Ҳар бир облигация унда ўйналадиган товар қиймати билан чиқарилади. Масалан, «Волга» автомобилини олиш ҳуқуқини берадиган ҳар бири 16 минг сўм қийматли йигирма мингта облигация, «Таврия» ва бошқа маркадаги машиналарни харид қилиш учун баҳоси 5 минг 300 сўмлик 70 мингта облигация чиқарилди. Уч камерали «Зил» ҳолодильнигини сотиб олиш учун 40 мингта қиймати минг сўмлик облигация чиқарилган. Молларнинг қолган турлари учун облигациялар яқин вақт ичида босиб чиқарилади.

Сотиладиган моллар сони чекланганлиги учун облигациялар меҳнат коллективлари, халқ депутатлари маҳаллий советларининг ижроия комитетлари орқали тарқатилади. Омонат банкининг бўлимлари корхоналар, ташкилотлар берган рўйхат асосида облигацияларни сотадилар. Бу рўйхатда молларнинг тури, уни харид қиладиган кишилар исм-фамилияси кўрсатилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, советлар бу соҳада фаол иш олиб бораётган Қозоғистонда, Қирғизистонда, Россия Федерациясининг бир қанча областларида облигацияларни сотиш бошланди. Давлат зарбхонаси қимматбаҳо қоғозларни фақат автомобиль ва митти трактерга мўлжаллаб чиқарганлиги учун уларни сотиш кечикмоқда. Қолган молларга облигациялар яқин орада чиқарилади. Шу сабабли омонат банки муассасалари ҳозир кўп ҳолларда одамлардан талаб қилинган миқдордаги пулни олиб, квитанция тўлдириб бермоқдалар, бу квитанциялар 1 октябрга қадар облигацияларга алмаштириб берилади. Облигация эгалари ана шу қимматбаҳо қоғозларни қайси магазинда рўйхатдан ўтказган бўлсалар, ўша ерда тегишли молларни 1993 йил давомида оладилар.

Облигациялар айрим регионларда қандай принцип асосида тақсимланмоқда, деган савол туғилиши мумкин. Бу иш билан ҳар бир иттифоқдош республиканинг мамлакат чакана товар обороти ҳажмидаги улушидан келиб чиқиб, СССР Савдо министрлиги шуғулланмоқда. Маълумки, чакана товар оборотн регионларда яшовчи аҳолининг сони билан чамбарчас боғлиқ, деб якунлайди ўз хабарини ТАСС мухбири.



⊙ Бу йил Жаҳон саломатлик куни атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган ва у: «Сайёрамиз — саломатлигимиз» шиори остида ўтади. ЎзТАГ мухбири Л. Струнникова Ўзбекистон ССР давлат бош санитария врачининг ўринбосари Р. А. ҚОСИМОВ билан атроф-муҳитнинг ҳолати, унинг инсон саломатлигига таъсири тўғрисида суҳбатлашди.

— Рауф Абдусаматович, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) айни шу муаммони кўтариб чиқиши тасодиф эмаслиги маълум. Бу муаммо бизнинг республикамизда ҳам долзарб бўлиб турибди...

— Сиз ҳақсиз, ниҳоят биз табиатнинг ўзи соғлом бўлмаса, инсон соғлом бўлмаслигини тушуниб етдик. Экология муаммолари Ўзбекистонни четлаб ўтгани йўқ. Орол фожиаси катта майдонларнинг саҳрога айланишига олиб келди. Натижада бутун Орол атрофидаги территорияда касалланиш ва болалар ўлими кескин кўпайди.

Сўнгги ўн йил давомида кўрилган чоралар республикада санитария ва экология вазиятини яхшилай олмаганлигини тан олишимиз керак. Корхоналарнинг раҳбарлари «қандай қилиб бўлмасин» планни бажариш учун уриниб, экология нормативлари бузилишини писанд қилмадилар. Санитария—эпидемиология хизмати эса партия ва совет идораларининг тазйиқи билан бундай корхоналарга йўл очиб берди.

Биздаги маълумотларга қараганда, республикадаги саноат корхоналарининг атиги 20 фоизини экология жиҳатидан безарар деб ҳисоблаш мумкин. 276 корхона табиатга жуда кўп зарар етказмоқда. Тошкент, Ангрен, Чирчиқ, Фарғона, Қувасой, Самарқанд, Навоий шаҳарларида ҳаво булғатилиши камая бошлаганига қарамай, республикадаги 28 шаҳарда ҳаво жуда ифлос даражада.

Бугун—Жаҳон саломатлик куни

Сайёрамиз ҳақида ғамхўрлик

Бундай аҳвол табобат ходимларини ташвишга солмай қўймайди. Масалан, Чирчиқда «Электрохимпром» ҳамда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати ҳавони олдинги йилларга нисбатан анча кам булғаётган бўлишига қарамай, касалликка чалиниш даражаси республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори. Дарёлар, каналлар ва сув омборларининг булғатилиши жиддий ташвиш уйғотмоқда. Фарғонадаги фуранли бирикмалар химия заводи, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинати ва бошқа корхоналар дарёларга ва бошқа сув ҳавзаларига оғир металларни, фтор ва нитратларни чиқариб юбормоқда...

Амударёнинг қуйи оқимидаги вазиятни ғоят танг вазият деб баҳолаймиз. Бу ерда фақат дарё сувигина эмас, атрофдаги ер ости сувлари ҳам шўрланиб, ичишга яроқсиз бўлиб қолди. Шунга қарамай, 1989 йилда Туямўйин—Нукус сув қувурини ишга тушириш плани барбод этилди. Автоном республикада сувни чучуклаштириб берадиган қурилмаларни барпо этиш планлари ҳам бажарилмади.

— Водопровод, канализациянинг йўқлиги қишлоқларда кўпгина касалликларга сабаб бўлса керак!

— Ҳа. Республика қишлоқ аҳолисининг ярми водопровод суви билан таъминланмаган. Қишлоқ жойларида канализация шохобчаларининг ўзи йўқ. Буларнинг ҳаммаси юқумли касалликларга чалинганлар сони жуда кўплигининг асосий сабабидир. Бундай шароитда эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш учун ажратилаётган катта маблағлар ҳам яхши самара бермайди. Республикада ҳар йили 200 мингга яқин одам юқумли сариқ касалига учрайди. Бу касаллик республикага етказаётган иқтисодий зарар ўнлаб миллион сўм билан ҳисобланади.

Битта йўл бор — аҳволни тезда ўзгартириш керак. Биз 2000 йилгача водопроводлар ва канализация қуриш программасини республика давлат план комитети билан келишиб олдик. Бу программанинг бажарилиши шаҳар ва қишлоқларимизни ана шундай шохобчалар билан тўла таъминлашга ёрдам беради.

— Сабзавот ва мевалар сифати муаммоси ҳам долзарб бўлса керак!

— Афсуски, бунга шубҳа қилиб бўлмайди. Заҳарли дорилар ва минерал ўғитлардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги таклифларимиз жуда секин амалга оширилмоқда. Масалан, собиқ агросаноат идоралари санитария-эпидемиология хизматининг сифат гувоҳномаси бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажармадилар. Бунинг устига етиштириладиган барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини назорат қилиш учун агрохимия лабораторияларимиз жуда кам. Ўтган йилнинг ўзидагина таркибида нитратлар ва пестицидлар кўп бўлгани учун Тошкент, Андижон ва Қашқадарё областларида етиштирилган жуда кўп сабзавот ва меваларни сотишни тақиқлаб қўйдик.

Заҳарли моддаларни сақлашга муносабатни тубдан ўзгартириш керак. Ҳамма областларда омборлар, химиялаштириш пунктлари, заҳарли моддалар кўмиб ташланадиган жойлар қуриш пайти келди, ахир. Химикатларни қўлланиш қоидаларига риоя этилишини ҳам қаттиқ назорат қиладиган пайт келди.

— Маҳкама назоратининг самарадорлигини қандай ошириш мумкин, бунинг учун нималар қилинмоқда!

— Ҳозир қатъий маъмурий таъсир ўтказиш чоралари қўлланиладиган бўлиб қолди. Масалан, санитария-эпидемиология хизмати экология жиҳатдан хатарли 12 та корхона қурилишига, шу жумладан Тошкент шаҳрида «Энергомаш» заводи қурилишига, Бухорода биологик препаратлар ишлаб чиқаришга, Қорақалпоғистон АССРда гидролиз — хамиртуруш комбинати қурилишига доир ҳужжатларни қайтариб юборди. Санитария идоралари ва республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш комитетининг таклифи билан 1989 йилда атроф-муҳитни булғатганлиги учун 231 объектдан фойдаланиш тўхтатиб қўйилди, 700 нафардан ортиқ масъул ходимларга жарима солинди.

— Лекин фақат жазо чораларини қўллаш билан экология вазиятини яхшилаш муаммосини ҳал қилиб бўлармикан!

— Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда барча министрликлар ва идоралар манфаатдорлик билан иштирок этишлари зарур, албатта. Республикада «Сиҳат—саломатлик» программаси амал қилмоқда. Программа корхонанинг ташламаларини ва чиқитларини камайтириш, ўта зарарли химикатлар ва минерал ўғитларни тақиқлаб қўйиш тадбирларини кўзда тутади.

Шу йилдан бошлаб барча санитария-эпидемиология станцияларида «Экология ва сиҳат-саломатлик» махсус бўлинмалари, шаҳар ва қишлоқ санитария-эпидемиология станцияларида атроф-муҳитни ва ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилувчи лабораториялар тузилмоқда. СССР ва иттифоқдош республикалар санитария кодекси, санитария қонунлари ва Давлат санитария назорати асослари лойиҳаларининг қабул қилиниши санитария-эпидемиология хизматининг обрўсини оширади, деб ўйлаймиз. Бу қонун лойиҳаларида идорамизнинг ҳуқуқий жиҳатлари биринчи марта акс эттирилган. Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги белгиланган программаларнинг аниқ бажарилишига боғлиқ.

ДОВУЧЧА

Бўлган воқеа

Собир эшикдан кириши билан саломни ҳам унутиб, айвонда мудраб ўтирган бобосига қўлидаги тўрт-беш дона довуччани кўрсатди-да, ҳаяжонланиб деди:

— Буважон, мана буларга қаранг, уч йил олдин мактабимиз боғига ўрик ниҳоли эккан эдим. Бу йил мева берибди. Восиқ бобо довуччаларни қўлига оларкан, болалик йилларини эслади.

Ўшанда 1917 йилнинг баҳори эди. Отасидан эрта айрилган 12 ёшли Восиқ онаси билан шаҳарни кезар, бирор егулик илинжида иш ахтаришарди. Онаси топганини Восиққа едирар, ўзининг тобора мадори кетаётганини сезмасди ҳам. Бир куни улар тунаш учун шаҳар чеккасига чиқиб, дарахтнинг тагига чўзилишди. Она чалқанча ётганича тепага қараб:

— Ўрик дарахти экан. Ҳозир бир ҳовучгина ўрик, ҳеч бўлмаса ғўраси бўлсайди, танимизга қувват кирарди, — деди. У бу сўзларни зўрға айтди. Восиқ онасининг аҳволи оғирлашиб бораётганини сезиб турар, аммо қўлидан ҳеч нарса келмасди.

— Ойижон, яна бирор кун сабр қилинг, — деди у юпатишга уриниб. — Этагингизни тўлдириб ўрик ғўрасидан териб бераман. Иккаламиз мазза қилиб еймиз.

Она ўғлининг бу сўзларини тасдиқлагандек, кўзларини юмди. Тонгга яқин Восиқ волидасидан ажралганини билгач, бағрига ўзини отиб, ўкириб-ўкириб йиғлади.

Ҳозир Восиқ бобо қўлидаги довуччаларни егиси келар, аммо тишлари йўқлигидан тамшанарди, холос.

Муқаддас НАЗАРОВА,
Тошкентдаги 146-мактаб ўқувчиси.

ДЎСТЛАР ДИЙДОР КЎРИШДИ

● **«СПУТНИК» студентёшлар ташкилоти хорижда қатор маданият ва маърифат даргоҳлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди.** Ташкилотнинг дўстлик алоқалари бўйича белгиланган режаларига кўра италиялик ўқувчиёшлар билан ҳам ўзаро борди-келди бошланди.

Шу йилнинг қишида тошкентлик 40 га яқин мактаб ўқувчиси қадимий мамлакатнинг Соперно шаҳрида азиз меҳмон бўлган эди. «Тассо» мактабида ўтказилган учрашувлар болаларда яхши таассурот қолдирди. Янги дўстлар орттирилиб, ўзаро ёзишмаларни йўлга қўйиш тадбирлари белгиланди.

Ўзаро келишувга биноан италиялик ўқувчилар делегацияси яқинда серқуёш жумҳуриятимизга ташриф буюрди. Тошкентлик толиби илмлар ўз тенгдошларини шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништирдилар.

Ленин номидаги жумҳурият пионер ва ўқувчилар саройида бўлган учрашув чоғида меҳмонлар истеъдодли ёшлар ижодиёти билан яқиндан танишдилар. Саройнинг ёғоч ўймакорлиги тўгараги ишлари ҳам уларда қизиқиш уйғотди.

Шаҳримиздаги 9-мактаб ўқувчилари ҳам ёш дўстларини илиқ кутиб олдилар. Италиялик болалар бошланғич синфларда расмдан дарс бераётган моҳир ўқитувчи Е. Муҳаммадхўжаев ўтказган машғулотлар меҳмонларда завқ-шавқ уйғотди.

Бу билим даргоҳи билан «Тассо» мактаби ўқувчилари ўртасида дўстлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш режалари тузиб олинди.

Акбар АЛИЕВ.



⊙ Езувчи Нусрат Раҳмат «Буни ҳаёт дейдилар» асарининг учинчи китобини ёзиб тугатди. Бу ҳам унинг ўғли Улуғбек номидан ёзилган бўлиб, муаллиф ҳаётда бор кишиларни қаламга олган. Бугундан эътиборан рўзномамизнинг «Шанба оқшомида» сонида шу асардан парчалар ёритиб борамиз.

Нусрат РАҲМАТ

ҲАЁТ СИРЛАРИ

«Ўгитнома» китобидан

КУНЛАРДАН бирида дадам мукка тушиб, насиҳатнома ёзишга киришиб қолдилар. Ойим одатдагидек мийиғларида кулиб, заҳарханда қилдилар:

— Муаллим, ҳамма панду насиҳатларни Кайковус билан Навоий битиб кетишган чамамда...

— Фақат Кайковус билан Навоий эмас, Рудакий билан Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Сино билан Махтумқули ҳам ўгитномалар битишган.

— Шундай бузург алломалардан ҳам қолиб кетган гаплар бор эканми-а, — чимчилаб олмоқчи бўлдилар «муаллима».

— Бор! — зарда билан жавоб қайтардилар «муаллим». — Одамларнинг бадига пуч ва варсоқи пандлар тегиб кетган. Насиб бўлса, мен унақа бемантиқ йўриқномалар битмайман! Тағин: бобокалонларимиз ҳам «босиб чиқаришга кўзлари етмай», қўлларини қўлтиқларига тиқиб ўтиришганда, инсоният «Қобуснома», «Зафарнома», «Саодатнома», «Гулистон», «Бўстон» сингари хазиналардан бебаҳра қолган бўлур эди.

Хуллас, дадам ўзларининкини тантанавор маъқулладилар ва ёзишда давом этдилар.

Марҳамат, ўша ёзма насиҳатлар ҳукмингизга ҳавола. Фарзандингиз ундан, Мавлоно Саъдий таъкидлаганларидек, бирор варағини олиб кетса ва ўқиб ўртоғига берса, шунинг ўзи кифоя.

ШАНБА ОҚШОМИДА

Аския

ҚАНДОЛАТЧИЛИК ПАЙРОВИ



АЙНИДДИН: Ассалому алайкум, жумҳуриятимиз халқининг дилларини хушнуд этиб келаётган аския усталари. Яқинда телестудияда «Янги йил оқшоми» муносабати билан учрашганимизда менга **новвот** бермай, ўзларинг роса **шакаргуфторлик** қилдиларинг. Мана бу сафар **Наврўз байрами** туфайли боғларга, маҳаллаларга таклиф қилишибди.

Шаҳримизга хуш келибсизлар! Қани Йўлдошхон, нима дейсиз?

ЙЎЛДОШХОН: **Ширин** гапирасиз-да, Айниддин ака! Бу сафар ўзимиз билан **«Очил дастурхон»** ҳам олиб келганмиз. Қандолатчиликнинг энг ноёб **меваларидан** топилади. Ҳатто **қуш сути** ҳам бор.

ЗАЙНОБИДДИН АКА: Ҳамма **чучуклик** муҳайё экан-ку, манави шогирдим **Шираев** бўлса, келишда бир дўконда савдо қилаётган ёш жувондан **ирис** борми деб сўраяпти.

ҒУЛОМЖОН АКА: Жувон ҳам бўш келмай, «Ака **Қорақумдан** келганмисиз, бировнинг **ирисини** сўраб нима қиласиз? Ана сизбоп **кис-кис, тузиклар** бор» деганмиш.

ШИРАЕВ: Мен қувониб, **«Оҳ»** ўшалардан **тортинг** дедим-да, **мағизли ҳолва**сидан ҳам олдим.

САЙДУЛЛО: Қизиқиб кетиб, **пашмай** билан **парварда** ҳам олаётганди, мен тўхтатиб қўйдим: «Буларнинг ярми ундан бўлган деб».

АБУЛҚОСИМ: Олган нарсаларига қаноат қилмасаларинг, биз томонларга ўтинглар, **нишолда** билан меҳмон қиламан!

АЙНИДДИН: Абулқосим аканинг оғиз кўпиртиришига ишонманглар, бу киши **совунак ҳолва** еган.

ЗАЙНОБИДДИН: Қаранглар, қўлида бир нарса кўринади, маҳалла катталарига бераман деб, **пахта қанд** кўтариб келганга ўхшайди.

АЙНИДДИН: Қанддан гапириб қолдингиз Зайнобиддин ака, илтимос, бир пас бошдан дўппингизни олинг, кўрганлар анжуманга **калла қанд** ҳам келибди дейишсин.

ҒУЛОМЖОН АКА: Агар шундай қилмаса, ўзим Асакага олиб кетаман, **ширапазлар** қайта ишлов бериб чўпга ўтказишади-да, қолипга солиб **Хўрозқанд** қилишади, кейин донасини беш тийиндан пуллайверишади.

ШИРАЕВ: Ўшанда Ғуломжон акадан «Ўртада туриб, қимматроққа пуллашворинг», деб илтимос қилманглар, **«Мен даллол** эмасман» дейди.

ЙЎЛДОШХОН: Нега сизга **ёпишиб** қолди бу **тараша ҳолва!**

САЙДУЛЛО: **Қиёми** етилмаган-да.

АБУЛҚОСИМ: Мен ҳам ҳайрон бўляпман, илгари оғзидан **бол** томарди, энди **жим** туролмайдиган бўбқопди.

АЙНИДДИН: Нимасини айтасиз, бир пайтлар Зайнобиддин акани ҳам кўзлари **чақмоқдек**, ўзлари **попукдек** йигит эдилар. Мана ҳозир ҳеч ким қарамай қўйди. Болалар ҳам битта **тишлаб-тишлаб** кетишяпти.

ЗАЙНОБИДДИН АКА: Мени усталар кўп қайнатиб, куйдиришяпти-да. «Лимон солинглар, **манпасий**га ярайман» десам, кўнишмаяпти.

ҒУЛОМЖОН АКА: Асли сизни **қуйма ҳолва** қилиб, никоҳ тўйларида ишлатиш керак.

ШИРАЕВ: Шундай қилайлик! Бўлмаса бу кишини **ялаш, шимиш** билан адо қилиб бўлмайди.

САЙДУЛЛО: Ҳей нима қиляпсизлар, деб **Му-мулаб** юрмасмикин!

ЙЎЛДОШХОН: Унисини қўяверинг, буни қаттиқлигини айтмайсизми! Бировга **эриса**, шинни бўлиб қолармиш.

АЙНИДДИН: Мен бу одамни **зар қоғозли этикеткасини** кўриб, сотувчига: **«Бир кило** беринг десам, **«сотилган»** дейди.

АБУЛҚОСИМ: Қизиқсизлар-а, оғайнилар! Ҳеч замонда **ширинликка** ҳам тўйиб бўларканми? Еган саринг оғзинг **бали-бали** дейди, қорнинг **қани-қани** дейди.

ЗАЙНОБИДДИН АКА: «Анаана, Абулқосим энди тўғри гапни айтди. Меҳмонга борса ҳам **пирожний**ларни «туя» қилиб, **мураббо**ларни симирадида, яна икки чўнтагини **оқ олтинга** тўлдириб олади.

ҒУЛОМЖОН АКА: Шарқ йигити-да, **сумалак** билан **ҳолвайтарни** ҳам фарқига бормай уравераді.

ЙЎЛДОШХОН: Дастурхонга ҳаммадан олдин қўл узатиб, **татиб кўришини** айтмайсизми.

САЙДУЛЛО: Қўлига омборхонанинг олтин калити тушмаган-да.

АЙНИДДИН: Сафарга чиққанда ҳам чекига **ишкал от** тушиб қолади-да, **рустасини** сотолмай қайтади.

ШИРАЕВ: **Музқаймоққа** ўчлигини айтмайсизми, бир-икки килосини паққос тушириб, **оҳ**, роҳатижон дейди..

АБУЛҚОСИМ: Мен билан бирга юрсаларинг, толиқтириб қўймайман. Хуржунимнинг бир кўзида доим **кунжут ҳолва, писта ҳолва**, бир кўзида **туршак, қовун қоқи, кишмиш** бўлади.

ҒУЛОМЖОН АКА: Уйимда ҳам **повидилло** сероб денг!

АЙНИДДИН. Ҳа, яшанглар! ҳамиша асалдек ширин бўлаверинглар! Мана, **ҳалим** ҳам тортилди, ҳоҳлаганлар **қумшакардан** сепиб есин. Қани, марҳамат!

Айниддин ЗАЙНИДДИНОВ ёзиб олган.

НАВҚИРОНЛИК ВА НАВЖУВОНЛИК ХУСУСИДА

Эй азамат ўғлим, меҳрибон қизим! Мана сизлар ўн саккиз ёшнинг эшигини қоқаяпсизлар. Шу дамгача бақамти ўтириб, босиқлик билан сизларга насиҳат берганимни хотирлолмайман. Дашном бердим, койидим, урушдим. Чунки бола эдиларингиз у пайтда. Энди насиҳатга ўтсам бўлар. Сабабики, ўгитнинг қадрига борадиган ёшга етдиларинг. Узоқ йиллар — камида менинг ёшимга етгунча панду насиҳат тинглашларингга тўғри келади.

Илк ўгитим шуки, насиҳатга нисбатан ҳеч қачон нописанд ва бепарво бўлманглар. Ёши ва мартабаси ўзларингдан улуғлар, доноларнинг пандларига шарқона бир эҳтиром билан қулоқ тутишга одатланинглар. Ўқиш билан уқиш ўзга бўлгани янглиғ, тинглаш билан мия тўқималарига сингдириш ҳам ғайри тушунчалардир. Деҳқон не-не меҳнатлар ила сомон орасидан донни ажратиб олганидек, яхшиларнинг маслаҳатларидан энг зарурларини топиб олиш ва ҳаётга тадбиқ этиш пайида бўлинглар!

Эй ўғлим! Йигитчиликнинг талай таомиллари борки, уларга амал қилмоқ умр йўлини белгилаб олмоқ демакдир. Энг зукко ва маъруф одам ҳам, айниқса навқиронлик пайтида талайгина нуқсонларга йўл қўяди. Жамият буни ҳис қилади ва баркамол бўғин нуқсонларини авф этади. Лекин камчиликларини, энг аввало, ҳаётга қадам қўйган кимсанинг ўзи чуқурроқ ҳис этмас ва сабоқ чиқармас экан, охир-оқибатда гумроҳликка йўл қўйиши муқаррар!

Ёшликнинг тағин бир муҳим шарти унинг ўткинчи эканлигини эътироф этмоқликдир. Навқиронлик йиллари сени тез тарк этиб, доғда қолдиришини унутмаслигинг керак.

Рўзғор ва жамиятнинг беҳудуд ташвишлари сени ўз комига тортиб кетади. Модомики шундай экан, ўсмирлик ва ёшлик пайтида шаклланиб олишинг, ҳаёт деб аталадиган кураш майдонига ишонч ва катта мақсадлар билан қадам қўймоғинг керак!

Бир чапани одамдан нақл эшитгандим: ўн—қўй, йигирма—бўри, ўттиз—арслон, қирқ—қилич, эллик—пахта, олтмиш—ахта, етмиш—тахта. Бу мақолни шарҳлаб ўтирмайман — ўзинг хулоса чиқариб ол!

Йигитга ўлим йўқ — ўзини тиққа уради, дейишади. Азиз ўғлим! Сенга етказилган зарофат, энг аввало менга етказилган жароҳат эканлигини унутма.

Ҳа, энг катта жасорат яшаш, зурриёт ва эзгулик қолдиришдир!

«Ичкиликка берилма, чекма, аблаҳ одамлар билан ҳамтовоқ бўлма, балодан ҳазар қил», десам—мени эзмаликда айблама.

Меҳрибон қизим! Мен сенинг баодоб ва шоҳиста бўлишингга ишонаман. Аммо бизнинг муҳитимизда эзгуликнинг мунаввар йўлидан андак бўлса ҳам чалғиб кетишингдан хавотир тортаман.

Ҳа, бизнинг замонда аёл бўлиб туғилиш осон эмас. Болаларни вояга етказиш, эрга, бошлиққа бўйсиниб яшаш, фақат фарзандларнигина эмас, уларни (эр ва бошлиқни) ҳам тарбиялаш, билсанг оғир қисмат! Аммо аёл қалби бу қудратга қодир! Фақат катта, жуда катта мақсадлар керак!

Сенинг баҳорий вужудингни кўриб, ичичдан қувонишим, фахрланишим ва зоҳирий хавотирга тушишимга энди ишонгандирсан. Жоҳиллар ва ярамас одамлар номингга доғ тегизишларидан, руҳан озор етказишларидан: ўзингга боғлиқ бўлмаган фалокатлар қаддингни букиб қўйишидан чўчиб яшайман! Сенга кўз тиккан балолар, майли менга тега қолсин, дейман! Чунки мен кўп умр кўрганман ва сендан кўра сербардошроқман!

Биламан, сен авлодимизни улуғлаш учун курашасан, оилангни эъзозлайсан, лекин фақат рўзғоринг учун яшамайсан: одамларга наф келтиришни, энг зарур дақиқаларда уларга қўл чўзишни одат қисан.

ОТА-ОНА МЕҲРИ, ФАРЗАНДЛАР БУРЧИ ХУСУСИДА

Дунёда ота ва онани мадҳ этмаган алломалар топилмаса керак. Шоиру фозиллар, айниқса, онанинг беҳудуд меҳри олдида қайта-қайта бош эгишган. Бир маҳаллар мен ҳам бу мавзуга қўл урганман.

Сизга боқиб турган шу тийран кўзлар,
Меникимас, дўстлар...
«Кўзи ожиз» бўлиб туғилгандим мен,
«Бечора,—дердилар,—қисматинг экан».
Сезмасдим:
Тун нима, ё кундуз нима,
Баҳор латофати, ё юлдуз нима,
Эртадан-кечгача ўлтирардим жим,
Ахир, юмуқ эди менинг кўзларим.
Илк баҳорда бир кун Тошкентдан дадам
Доктор олиб келди, қувондим бирам!
Профессор экан,
Кўрди кўзимни
Тинглади ҳасратли, мунгли сўзимни.
— Даволайман,—деди,—аммо жуда қийин.
(Дилим туғён экан дақиқа сайин)
Бунинг бир йўли бор:
Бирорта одам
Агар рози бўлса,
даҳшат бўлса ҳам
Кўз соққасин берса, ўйиб оламан
Кўзлари ўрнига уни жойлайман!
Тезда дўстларимни топибди дадам,
Сўрабди ёрдам...
Аммо ким кўз берсин!!
Шу экан тақдир —
Дебдилар: кўз бериш—даҳшат-ку, ахир!
Қариндошларни ҳам топибди дадам.
Кўз инъом этмабди қавмларим ҳам,
Дадам бир гадойни учратиб бир кун,
Дарду ҳасратларини тўкибди, дилхун.
Дебди: «Бир кўзингни манга сот, жўра...»
Гадой қўрққанидан қочибди тура!
Сукут ичра ғусса чекардим, ҳайҳот
Ногоҳ эшитилди аччиқ бир фарёд...
Вой, онам-ку, ахир!
Иргиб турай десам қўймади кимдир.
Кейин...
Кейин билсам, бечора онам,
Мен учун берибди икки кўзин ҳам.
Доктор ниғоҳбонин ўйиб олибди,
Дарддан мунисгинам фарёд солибди!
Жарроҳ столига сўнгра мен ётдим.
Уёғини билмам—ҳушим йўқотдим.
Ўтиб фурсат —
Бўлди рухсат!
Докани кўзимдан ечдим-у шартта,
Мен борлиққа боқдим биринчи марта!
О, ошифта дунё, осмон, юлдуз, ой!
Одамларни кўрдим, илк бор, ҳойнаҳой!
Онажон, деб уйга қўйиб кирсам от,
Эҳ, мен ношудга ҳаром бу ҳаёт!
Онамнинг иккала кўзи кўр эди,
Инграрди бечора...
Дарди зўр эди!
У секин пайпаслаб бошимни тутди
Очиқ кўзларимни меҳр билан ўпди.
Сизга боқиб турган шу тийран кўзлар,
Меники эмас, дўстлар,
Онажонимники!..

Эй фарзанд! Бу шеърни шарҳлаб ўтиришим, эҳтимол ортиқчадир. Бизнинг фақат қорачиғларимизгина эмас, бор вужудимиз ота ва она пушти камарининг маҳсулидир. Аммо тан олмоғимиз ва надомат изҳор этмоғимиз керак-ки, биз ота ҳамда она меҳр-оқибатларини кўп ҳолларда, улар ҳаётдан кўз юмгандан сўнг теранроқ ҳис этамиз, афсуслар чекамиз. Буюк Навоий таъбирлари билан айтганда, кимки ота-она тириклик пайтида уларга «Бошни фидо айласа, жисмни садқа қилса», фарзандларидан шундай меҳрибонлик кўришга маънавий ҳақли бўлади.

Ота-онаси тириклик пайтида уларни кафтида кўтарган, вафотларидан сўнг ҳам руҳларини шод қилиб турган ўғил-қизларга тақдири азалдан забту зафарлар тилайман.



● Ўрта Осиёнинг асосий сув манбаи бўлган Амударё, шунингдек, энг кўп номли дарё ҳам ҳисобланади. Денгиз сатҳидан 4950 метр баландликда — Помир ва Ҳиндиқуш тоғ тизмалари туташган Вревский музлигидан бошланадиган жойда уни Ваҳжир деб аташади. Кейин Қорақия дарёси билан қўшилиб Воҳандарё деб номланади. Яна 220 километр ичида бешта шиддатли дарё қўшилгач, у Панж дарёсига айланади. Жанубда Қундуздарё қуйилгач Амударё деган ном олади. Дарё қадим замонларда ҳам турлича аталган. Жумладан, унинг Окуз, Оксус, Вахш, Жайҳун каби номлари бўлган.

● 1969 йил 7 ноябрида бепоён Ватанимиз бўйлаб пиёда сафарга отланган ўзбек сайёҳи журналист Тошмамат Рўзибоевнинг саёҳати муваффақиятли якунланди. У уч ярим йил мобайнида 19 минг километр масофани босиб ўтиб, барча иттифоқдош жумҳуриятларда бўлди. Бу ҳам ўзига хос рекорд ҳисобланади.

● Туркистон ўлкасида ЭНГ биринчи бўлиб 1867 йилнинг декабрида Тошкент шаҳрида метеорологик кузатиш ишлари бошланган.

● Олим П. Г. Булгаковнинг ёзишича, дунёда ЭНГ биринчи глобус буюк ўзбек олими Абу Райҳон Беруний томонидан кашф этилган бўлиб, диаметри беш метрга тенг бўлган. Унда ер юзидаги одам яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган.

● Ҳожи Юсуф (Мирфаёзов, 1842 — 1924, Хўжанд) Ўзбекистоннинг ЭНГ биринчи жугрофия олимидир. У бир қанча медаллар билан мукофотланган. «Фалакиёт» каби асарлар муаллифи бўлган.

● Фарғона нефть ва газ қудуқларини пармалаш бошқармаси коллективи ўнлаб қудуқлар қазидилар. Чуст ва Поп районларидаги нефть-газ қидирилаётган майдонда (1970 йил) 5767 метрлик қудуқ очилди. Бу қудуқ нафақат Ўзбекистонда, балки, Ўрта Осиёдаги қудуқларнинг ЭНГ чуқуридир.

● 1868 йили Чимён нефть конида қозонда қайнатиш йўли билан Ўрта Осиёда биринчи бўлиб нефтдан керосин ажратиб олинган.

● М. Муҳиддинов — мамлакатда биринчи бўлиб шахмат тарихидан номзодлик диссертациясини ёқлаган ягона олим. У Ўрта Осиёда шахматчилар орасида биринчи бўлиб СССР спорт устаси, халқаро ҳакам деган унвонларга сазовор бўлган.

● Георгий Аъзамов — 27 ёшида халқаро шахмат устаси унвонини олишга муяссар бўлган. 1982-83 йилларда эса у Ўрта Осиёнинг биринчи гроссмейстери бўлди.

● XV асрда Улуғбекнинг машҳур обсерваториясида ишлаган ўзбек математиги Ғиёсиддин Жамшид Ал-Коший биринчи бўлиб ўнли касрларни кашф қилган.

Анвар МИРЗАЕВ.

● Зикрилла Эгамбердиев ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан биринчи рентгенолог олимдир. Шунингдек, у ўзбек шифокорлари ичида тиббиётга бағишлаб ЭНГ кўп китоб ёзган муаллиф ҳамдир. Ҳозиргача унинг 30 дан зиёд китоби ва юзлаб мақолалари нашр этилган.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Телепрограммалар

9 апрелдан—15 апрелгача

Душанба, 9

● ЎзТВ I

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Инсон ва табиат». Чирчиқ шаҳридаги айрим саноат корхоналарининг атроф-муҳитга келтираётган зарари ҳақида.
18.10 «Эртак қандай яратилди». Мультфильм.
18.20 «Қувноқлар даврасида».
18.50 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада.
19.25 Реклама.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ёдгорлик» туркумидан. Паҳлавон Маҳмуд.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Чанг тароналари.
21.35 «Ойнаи жаҳонда». Ҳафталик кўрсатувлар мундарижаси.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила».
23.20 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Гўзаллик куйчиси». П. И. Чайковскийнинг 150 йиллигига.
18.35 «Дон-Кихот болалари». Бадиий фильм («Мосфильм»).
19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шаҳримиз мероси».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ташқи ишлар министрлиги: бугун ва эртага».
21.40 Қирғизистон ССР халқ депутатлари учун концерт.
22.10 «Очиқ қалб». Бадиий фильм (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 Мультфильмлар: «Ип ва мушукча», «Нехочуха», «Хоҳламайман ва бўлмайман».
8.30 Футбол шарҳи.
9.00 «Гжель — рус мўъжизаси», 9.50 «Балет, балет...».
10.50 СССР халқ артисти Е. Н. Гоголева рус ва совет авторларининг шеър ва насрий асарларини ўқийди.
11.30 «Мен қутбгача етиб бораман». Хизмат кўрсатган спорт мастери, рассом, профессионал саёҳатчи Ф. Конюхов ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Болалар учун фильм. «Ҳамма палубага» (М. Горький номли киностудия).
16.25 «СССР — Ҳиндистон: байрам ва оддий иш кунлари». Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
16.35 В. А. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр учун до мажор концерти.
17.00 Болалар соати (немис тили дарси билан).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Биз ва экономика».
19.25 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси). 1-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Футбол шарҳи.
21.35 «Сўз». Адабий-бадиий программа.
23.35 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Нима эксак...». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 География. 8-синф. УССР денгизлари.
9.05 Итальян тили.
10.05 «Онам, дадам ва мен».
10.35, 11.35 Биология. 7-синф. Гидра, медуза ва бошқалар.
11.05 Рус тили.

*

12.55 «Яшанглар!». Телевизион бадиий фильм («Грузия-фильм»). 1-серия.
13.25 «Муддатсиз». Телевизион ҳужжатли фильм.
13.55 И. Брамс. Скрипка ва фортепьяно учун иккинчи соната. Г. Фейгин ва Е. Ашкенази ижро этадилар.
14.15 Такрорий телефильмлар сеанси. «Сосновкада премьера» (А. Довженко номли киностудия).
16.30 «Бу эртакда мана бундай бўлган эди». Мультфильм.
16.40 «Кичик шаҳарнинг катта муаммолари». Бологое аҳолисининг иқтисодий, экологик ва ахлоқий муаммолари ҳақида (Ленинград вилояти).
17.25 Л. Штанько куйлайди.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Бу қўшиқни ёдлаб ол». Катталар ва болалар учун.
18.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Кўзгу» (Новосибирск). Обь сув бойликларини муҳофаза қилиш ҳақида.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Шимол эртаги». Мультфильм.
19.45 «Кеч кузда, Орскда». Оренбургдан кўрсатилади.
20.20 Рассом В. Охунов ва Т. Миржалиловлар устахонасида (Ўзбекистон ССР).
20.50 А. П. Чехов. «Кечиккан гуллар». Телеспектакль.
22.25 РСФСР халқ артисти О. Воронец куйлайди.

Сешанба, 10

● ЎзТВ I

11.30 Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. Меҳнат ҳуқуқи.
12.00 «Великие Луки», «Матонат». Телефильмлар.
12.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Ёрдамчи алгоритмлар ва масалаларни ЭҲМда ечиш босқичлари.
13.00 «Камол». Тўрт серияли бадиий фильм. Учинчи фильм — «Ленинград метрономи».

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Байрам-Али», «Лада» автомобили Францияда». Телефильмлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм.
18.20 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
18.50 «Деҳқон юмушлари».
19.20 «Ҳамфикрлар». «Голодностепстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги янги иш усуллари ҳақида.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Навоий гулшани». Адабий кўрсатув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Долзарб мавзу.
21.20 «Камолот сари». Сайёра Қозиева ва Нуриддин Маликов.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Инсон ва қонун».
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Меҳрибон онажоним». Телефильм.
18.25 «Спорт кинопанорамаси» (рус тилида).
19.10 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 КПСС XXVIII ва Тожикистон Компартиясининг XXI съездлари олдидан. «Нури зиндаги». Шаартуз райони.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Нури зиндаги» кўрсатувининг давоми.
23.20 Телефильм.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
9.10 Мультфильмлар.
9.35 «Ҳайвонот оламида».
10.35 «Ғўр бўлган... бўлганди...».
10.55 Болалар соати (немис тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 Бизнинг мерос. Рус санъати 100 ёшда.

* * *

15.15 Кичик концерт.
15.30 «Ишчан ғоялар ярмаркаси»
16.45 «Қаердадир, оловли ерда». Ҳужжатли фильм премьераси («ЛСДФ»).
17.15 «Мусиқий таътиллар».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Ёшлар хабарномаси.
19.00 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади.
19.20 «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Долзарб интервью.
21.10 «Навбат сизга, артист». Любовь ва Виктор Анисимовлар
21.30 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва). 2-тайм.
22.20 Опера шинавандалари телевизион клуби.
23.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 «Қайси бир ишларимизни эслашади?». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Адабиёт. 9-синф. Н. В. Гоголь. «Ўлик жонлар».
9.05 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.40 Табиатшунослик. 2-синф. Кўклам меҳмонлари.
10.55 Заҳнлилар учун машқлар.

*

12.00 «Яшанглар!». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.05 Ритмик гимнастика.
13.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 2-қисм — «Ажойиб ёз» («Ленфильм»). 4-серия.
14.45 Бадминтон. Европа чемпионати.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Арктикада осон йўллар йўқ» (Мурманск).
17.00 Татаристон АССР Давлат телерадиоси. «Ўзига ишониш» (Қозон).
17.30 Ритмик гимнастика.
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессияси.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Капалаклар қандай пайдо бўлган».

Чоршанба, 11

● ЎзТВ I

11.30 «Қишлоқдан келган шаҳарликлар». Телефильм.
12.30 «Қамал». Тўрт серияли бадиий фильм. Тўртинчи фильм— «Искра» операцияси».

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
18.15 «Шоирлар — болаларга». Султон Жўра.
18.55 «Хизмат кўрсатиш тармоқлари». Қашқадарё вилоятида ободонлаштириш.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. ВЛКСМ XXI съезди делегатлари билан учрашув.
20.30 Москва. «Время».
21.00 Йўлдош Муқимов. «Наврўз ва Аёзмомо». Адабий-мусиқий кўрсатув.
21.40 Долзарб мавзу.
22.00 «Ахборот».
22.20 «Олтинчи июль». Бадиий фильм («Мосфильм»).
00.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 Болалар учун концерт.
18.40 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали.
18.50 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 2-серия.
20.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Манфаатдорлик» (рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Ҳаётни деҳот». Ердан фойдаланиш муаммолари ҳақида.
21.40 «Тақдир». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қиммат Ашурова ҳақида киноочерк.
22.00 «Ахбор».
22.20 Тожикистон санъат усталари ва ижодкор ёшларининг концерти.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
9.10 «Чоко ва Боконинг саргузаштлари». Мультфильм. 1-қисм.
9.35 Футбол. СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва). 2-тайм.
10.25 «Саёҳатчилар клуби».
11.25 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Афғонистон тароналари».
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 А. Зурабов. «Лика». Телевизион спектакль.

* * *

15.15 «Мусиқий хазина». Л. В. Бетховен. 9-симфония. «Гевандхауз оркестр» ижро этади. Дирижёр — Курт Мазур (ГДР телевидениеси).
16.25 Ҳужжатли фильмлар премьераси: «Андреев байроғи остида» (СССР Мудофаа министрлигининг киностудияси), «Сув остида изланш» (Киев).
17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.25 Шеърият лаҳзалари.
19.30 «Бу беқиёс овоз». Театр ёдномалари. М. И. Бабанова.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 «Тикланиш» (Крекшинда, Л. Н. Толстой ҳузурида).
21.45 «Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар».
23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.
Ўқув программаси
8.15 Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Табиатшунослик. 3-синф. Ўрмон томошаси.
9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Умумий биология. 10-синф. Экологик системалар.
11.05 «Нон. Уй. Соҳиб». Илмий-оммабоп фильм.

*

12.05 «Тоққа саёҳат». Телевизион ҳужжатли фильм.
12.35 Чех филармониясн симфоник оркестрининг концерти. Дирижёр — В. Нойман.
13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар». 2-қисм — «Ажойиб ёз». 5-серия.
14.10 Бадминтон. Европа чемпионати.

* * *

16.30 Стол тенниси. Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади.
17.00 Телевизион мусиқий абонемент. «Импровизация оламида».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессияси.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Довюраклар».

Пайшанба, 12

КОСМОНАВТИКА КУНИ

● ЎзТВ I

11.30 Ботаника. Усимликлар.
12.00 «Сулола». Телефильм.
12.30 Табиатшунослик. Ҳаёт учун тупроқнинг аҳамияти.
13.00 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Фазогир В. Шаталов». Телефильм.
18.10 «Ассалом, коинот! Космонавтика кунига бағишланган кўрсатув.
19.00 «Ёзувчи ва замон».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Алифбо сабоқлари».
20.20 «Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги матбуот маркази хабар беради».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Катта ашула, ялла ва лапарлар.
21.30 Катталар учун мультфильмлар: «Ваня қайлиқ танлагани ҳақида», «Ваня борарди» тасвири».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Экран таништиради...» Кинокўрсатув.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Уйинчоқ». Манзарали фильм.
18.20 Болалар учун. «Юлдузча» (рус тилида).
18.55 Тарих саҳифалари.
19.35 Реклама.
19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Эътиқод».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Созу рози жавони».
21.40 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ҳар ки накунем зист...» Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Кенжа Назиров.
22.00 «Ахбор».

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Ля-Ферте-Аледа самовий байрам». Телевизион ҳужжатли фильм.
8.10 Опера шинавандалари телевизион клуби.
9.20 «Чоко ва Боконинг саргузаштлари». Мультфильм. 2-қисм.
9.55 «Бу беқиёс овоз». Театр ёдномалари. М. И. Бабанова.
10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.45 Л. Леонов. «Олтин арава» Малая Броннадаги Москва драма театрининг фильм-спектакли.
15.00 «Сеҳрли қўнғироқчалар». Мультфильм.
15.15 Ғалабанинг 45 йиллигига «Пиёда — пиёда-да». Телевизион ҳужжатли фильм. «Солдат ёдномалари» туркумидан.
16.10 Ашхобод болалар филармонияси скрипкачилар ансамблининг концерти.
16.40 Инсон. Ер. Коинот.
17.40 Мультфильмлар: «Космос ҳақида новеллалар», «Космик жумбоқ».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.10 «Она бўри фарёди». Телевизион бадиий фильм («Қирғизтелефильм»). 1-серия. Премьера.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 «Она бўри фарёди». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Иеронима Босх боғида». Илмий-оммабоп фильм.
8.35, 9.35 Биология. 11-синф. Мутация табиати ёки нима учун мушуклар турли-туман.
9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.40 Мусиқа. 2-синф. Симфоник оркестр чолғулари. 1-кўрсатув.
10.55 Илмий хабарнома.

*

12.00 «Мен қайтаман». Ҳужжатли фильм.
12.40 Ритмик гимнастика.
13.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар». 2-қисм — «Ажойиб ёз». 6-серия.
14.30 Бадминтон. Европа чемпионати.

* * *

16.30 «Парвозлар ва қўнишлар». Ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
17.25 Стол тенниси. Европа чемпионати. Швециядан кўрсатилади.
17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 **СССР Олий Совети сессияси.** Танаффус пайтида (19.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Космик рейс».
20.45 «Кўкламги кеча-кундуз бараварлиги». «Комсомольская жизнь» журналининг 70 йиллигига бағишланган байрамдан репортаж.

Жума, 13

● ЎзТВ I

11.30 «Ерқазир». Телефильм.
11.50 «Бобомурод Ҳамдамов куйлайди». Фильм-концерт.
12.25 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар программаси.
17.35 Янгиликлар.
17.40 «Бу сирли олам...».
18.10 «Халқ назорати экрани».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Саҳифадан қолган сатрлар».
19.25 Реклама.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Тил — маданият кўзгуси».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
21.50 «Одобнома».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Юртим баҳори». Мусиқий кўрсатув.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Китобсеварлар» (рус тилида).
18.50 Регби бўйича олий лига командалари ўртасида СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — «ХТЗ» (Харьков).
19.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Время».
21.00 «Контакт». Телетомошабинларнинг саволларига жумҳурият ҳарбий комиссариатининг масъул ходимлари жавоб берадилар.
22.00 «Ахбор».
22.20 «Сурди аизалпо». Афзалишо Шодиев куйлайди.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
8.45 «Малахит қутича». Мультфильм.
9.05 «Она бўри фарёди». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.
11.30 «Бекинмачоқ» («Биз қандай дам оляпмиз» туркумидан).
12.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
12.30 Останкино концерт студиясида шоир Д. Самойлов билан учрашув.

* * *

15.15 «Агар сиз...»
16.00 Болалар учун фильм. «Жодугар ва сеҳргар» («Ленфильм»).
17.15 «Компьютер билан мулоқот».
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
18.30 «Ҳокимият — Советларга». Маҳаллий ҳокимият органлари ва Ер ҳақида қонун.
19.00 Л. Бондаренко чалади (баян).
19.10 В. И. Ленин туғилган кунининг 120 йиллигига. «В. И. Ленин портретига чизгилар». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм — «Ленин кабинетида бир ярим соат» («Экран»).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.15 «Бу бўлган... бўлганди...».
21.40 «Нигоҳ».
23.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.
23.25 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Боғдами ёки полизда». Ҳужжатли фильм.
8.35, 9.35 Адабиёт. 5-синф. В. П. Катаев. «Полк ўғли».
9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.05 Инглиз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35, 11.35 Адабиёт. 6-синф. М. М. Пришвин. «Қуёш омборхонаси».
11.05 «Ғарқ бўлган шаҳар сири». Илмий-оммабоп фильм.

* * *

12.05 Л. В. Бетховен. Скрипка ва оркестр учун концерт. Ж. Тер-Меркерян (АҚШ) ҳамда Арманистон Давлат симфоник оркестри ижро этади.
12.50 «Тушимга катта зал кирибди». А. Н. Островский уй-музейи ҳақида.
13.35 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар». 2-қисм — «Ажойиб ёз». 7-серия.
15.00 Бадминтон. Европа чемпионати.

* * *

16.30 «Қадрдон ўлка қўшиғи». Якутия АССР халқ артисти А. Самсонов куйлайди. Якутскдан кўрсатилади.
16.45 «Презентация-3».
17.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
18.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Майдон». Спорт программаси.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кучукча». Мультфильм.
19.45 Информацион программа.
20.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Енгиш» (Краснодар).
21.00 Футбол. СССР чемпионати. «Днепр — «Динамо» (Киев).
22.50 Спорт ҳамма учун.
23.05 Н. В. Гоголнинг экранлаштирилган асарлари. «Алвасти» («Мосфильм»).
00.20 Бадминтон. Европа чемпионати.

Шанба, 14

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум».

*

10.00 «Отни ким эгарлайди?». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).
11.10 «Эзгулик йўлида». Сурхондарё вилоятидан кўрсатув.
11.40 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси камер оркестрининг концерти.
12.00 «Ер — бойлигимиз».
12.35 «Дўстлик» программаси. 1 «Ягона оиладан». Намангандан кўрсатув. 2. «Замандас».
13.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».

Тижорат видеоканали

15.05 «Юксалиш йўлидан». Жиззах вилоятидан кўрсатув.
15.35 «Саломатлик манбаи». Андижон вилояти «Дўстлик» колхозида асаларичиликни ривожлантириш ҳақида очерк.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар».
18.50 «Шеърият дафтаридан». Сайёр ва Тўлқин студиямизда.
19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
20.15 «Оқшом эртаклари».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Дўстлик экрани». Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси. Фрунзедан кўрсатув.
22.00 «Ҳафтанома».
22.40 Машраб Бобоев. «Мушкул савдо» спектакли. Муқимий номидаги мусиқий театрнинг 50 йиллиги олдидан.
00.30 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика.
9.15 «Савту калом». Умар Ҳайём ғазаллари асосида тайёрланган адабий-мусиқий кўрсатув.
10.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-серияларнинг (рус тилида).
12.35 Бизнинг хазинамиздан. С. Айний. «Эски мактаб». Телевизион спектакль.

* * *

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

15.00 Кўрсатувлар программаси.
15.05 «Толубай синчи». Мультфильм.
15.15 Реклама.
15.25 «Стандартград шаҳри ҳақида афсона». Телефильм.
16.00 «Бировнинг хати». Бадиий фильм.
17.30 Самбо. Ёшлар ўртасида СССР биринчилиги.
18.00 «Китоб, ҳаёт, китобхон». Кўрсатувда Қирғизистон ССР Давлат нашриётлар комитетининг раиси Б. Риспаев иштирок этади.
19.00 «Мезгил».
19.10 Қирғизистон ССР Олий Совети сессиясида.
21.00 «Дўстлик экрани». Урта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси.
22.00 Қирғизистон ССР Олий Совети сессиясида.

● МТ I

6.00 «120 минут».
8.00 «Онам, дадам ва мен».
8.30 «Чашмалар».
9.00 Йил фасллари. Апрель.
10.00 «Бурда моден» таклиф этади...»
10.30 Сиёсий мулоқотлар.
11.00 «Партнер». Тижорат хабарномаси.
11.30 Оила экрани. «Фламинго бахт келтиради». Телевизион бадиий фильм («Эстонтелефильм»).
13.00 Россия суверенитети. 1-кўрсатув — «Янги Россия концепцияси».
14.00 Сергей Березин қўшиқлари.
14.10 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина.
14.25 «Ҳаёт формуласи». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.20 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Рачинск қўшиқлари» (Грузия ССР).
15.50 Режиссёр Л. Луков фильмлари. «Катта ҳаёт». Бадиий фильм. 1-қисм (А. Довженко номли киностудия, 1939 й.).
17.30 «Халқаро панорама».
18.15 «Катта ҳаёт». Бадиий фильм. 2-қисм (М. Горький номли киностудия, 1946 й.).
19.45 Халқаро конкурслар лауреати Д. Хворостовский куйлайди.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
21.05 Долзарб интервью.
21.10 «Телескоп».
21.30 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Моррисвелль қалъасидаги шарпа». Бадиий фильм (Чехословакия).
23.00 Смольний соборида рус диний куйлари концерти.
23.50 «Бизнинг кўҳна Кремль». Телевизион ҳужжатли фильм.
24.00 ВЛКСМ XXI съезди кундалиги.

● МТ II

7.30 Эрталабки гимнастика.
7.45 «Бжамий» халқ куйлари ансамбли ижро этади. Нальчикдан кўрсатилади.
8.15 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Дарвозамиз ёнида...» Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Киров шаҳри).
8.40 «Биринчи Бастилия». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»).
9.55 Рус тили.
10.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
10.30 Мусиқий канал.
12.30 «Киришга рухсат этинг». «Уз ота-оналарининг болалари». Олмаотадан кўрсатилади.
13.00 «Дўстлик меридианлари». Польша қўшиқлари II Бутуниттифоқ фестивали. Рязанда РСФСР зонал конкурси қатнашчиларининг концерти.
13.35 «Ватан осмонини ҳимоя қилиб». Ҳужжатли фильм.
13.45 Информацион программа.
14.30 О. Сулейменов. «Инсонга таъзим қил, Ер!». Поэма. Муаллифнинг ўзи ўқийди.
15.05 «Уз дардини енгиш» (Свердловск).
15.20 А. Онеггер. Шекспирнинг «Бўрони»га ёзилган прелюдия.
15.30 «Оролга ёрдам беринг» телемарафони. 1-қисм.
16.30 «Совет Россияси» видеоканали.
18.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биздачи...»
19.00 «Оролга ёрдам беринг» телемарафони. 2-қисм.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 «Оролга ёрдам беринг» телемарафони. 3-қисм.
22.00 «Пи» белгиси билан». 1-қисм.
22.45 Бадминтон. Европа чемпионати.
23.15 «Пи» белгиси билан». 2-қисм.
00.45 «Чаривна» вокал-чолғу ансамблининг концерти. Харьковдан кўрсатилади.
01.05 «Пи» белгиси билан». 3-қисм.

Тунги сеанс

02.05 «Хотиралар янграйди...» Киноконцерт.
02.55 «Романининг қаҳрамонлари». Бадиий фильм («Мосфильм»).

Якшанба, 15

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум».

*

10.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Компьютер сабоқлари».
10.25 Спорт программаси. 1. Ёш спортчи мактаби. Кураш. 2. От спорти. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг соврини учун мусобақалар. Отчопардан репортаж (ёзиб олинган).
11.25 «Дўстлик чаманзорида». Концерт.
11.55 Ҳамза Имомбердиев. «Сеҳрли ҳарфлар ороли». Жумҳурият кўғирчоқ театрининг спектакли.
12.50 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).
13.25 «Мушоҳада». Чимкент вилоятидаги онлавий болалар уйлари ҳақида.
14.15 «Муваффақият чўққиси». Телефильм.

Тижорат видеоканали

14.35 «Илғор тажриба мактаби».
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Кино жавонидан».
20.30 Москва. «Время».
21.00 «Якшанба оқшомида».
21.40 Катталар учун мультфильмлар: «Балкон», «А+В».
22.00 «Ахборот».
22.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Ака-укалар оқибати ҳақида.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот.
10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.
10.15 «Китобчанинг викторинаси».
10.55 «Футбол, футбол, футбол».
11.55 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси». Телевизион бадиий фильм. 3 ва 4-сериялар (рус тилида).

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Бадиий фильм.
19.15 «Телетомошабин ҳамроҳи».
19.45 «Забон дони — чаҳон дони».
20.30 Москва. «Время».
21.00 Борбаднинг 1400 йиллигига. «Кўҳи баланд». Тожикистон санъат усталари иштирок этадилар.
22.00 «Ҳафта». Информацион программа.
22.30 «Кўҳи баланд» кўрсатувининг давоми.

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.
7.45 Ритмик гимнастика.
8.15 «Спортлото» тиражи.
8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув.
9.30 «Ватан хизматида».
10.30 Тонгги дам олиш программаси.
11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах.
12.00 «Здоровье».
12.45 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ўлим архиви». Беш серияли телевизион бадиий фильм (ГДР). 5-серия.
14.15 «Педагогика ҳамма учун».
15.15 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.
16.30 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак» («Ленфильм»).
18.00 Шафқат ҳафтаси. «Уйғониш».

Якшанба кинозали

18.30 «Пишлоқдан ясалган уй». Мультфильм.
18.45 «Самогончилар». Бадиий фильм («Мосфильм»).
19.05 «Ҳамтовоқлар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.
21.00 Абадият ҳақида ўйлар.
21.15 П. И. Чайковский. 100 та романс.
21.35 «Қадимий вулқон қиялигларида». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.50 Джаз портретлари. Сизни Г. Лукьянов рафбарлигидаги «Каданс» ансамбли таклиф этади.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг!
7.45 «Бир партия шахмат ўйнаш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
8.00 «Оқ қарқара». Мультфильм.
8.15 «Биз қўшни бўлиб яшардик». Бадиий фильм, субтитр билан (М. Горький номли киностудия).
9.30 «Саҳрони қутқариш». Ҳужжатли фильм премьераси. «Она-замин ташвишида» туркумидан («Туркманфильм»).
10.00 Иттифоқдош жумҳуриятлар студияларининг фильмлари. «Урсалар — қоч...» («Грузия-фильм»).
11.30 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).
11.35 «Биз яшаётган олам». Режиссёр Л. Кристи фильмлари. «Ҳаётимиз ҳақида кичик ҳикоялар» («Экран»).
12.25 «Ҳамдўстлик» видеоканали.
14.55 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати.
16.00 «Совет Россияси» видеоканали.
18.30 «Планета». Халқаро программа.
19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз».
19.45 «Бу шахмат эмас, бу...» Ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»).
19.55 Бадминтон. Европа чемпионати.
20.30 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).
21.00 Тарихий фильм. «Даниил — князь Галицкий» (Одесса киностудияси).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 00284.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.